O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 27-mart, chorshanba ✱ № 13 (817) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ КАШФИЁТ ОРТИДАН МИЛЛИОНЕР БЎЛДИ

Yahoo интернет компанияси катта мақолаларни смартфон экранида ўқишга мослаб берувчи Summly мобиль дастурини унинг ихтирочиси – британиялик мактаб ўқувчиси Ник Д'Алоизиодан 30 миллион АҚШ долларига сотиб олди.

⇨ 5-бет

ОИЛА ҲАЁТИДА МЕЗОНГА АЙЛАНГАН КИТОБХОНЛИК



Ота-боболаримиз китобни шу қадар улуғ муҳаббат билан ўқиган, асраб-авайлаган, унга чинакам ихлос қўйиб, китобдаги сўзни муқаддас билиб эътиқодини, иймонини мустаҳкамлаган, китобнинг мўъжизавий қудратига тан бериб, ишониб яшаган эканлар, бугунги кунда бу анъаналар қандай давом этмоқда.

⇨ 7-бет

КЎКЛАМ КАБИ РАНГ-БАРАНГ



"Bazar-Art" лойиҳаси халқимизнинг бетакрор миллий ҳунармандчилигини асраш, унинг янгиланиб, бойиб, ўзгариб бораётган жиҳатлари билан таништириш, ёш истеъдодларни, ҳунармандлар сулолаларини қўллаб-қувватлашни ҳам мақсад қилган.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

20 март куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги матбуотда эълон қилинди.

Бангкок шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Таиланддаги Бош консуллиги кўмагида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

"Anantra Bangkok Satorn" меҳмонхонасида ўтказилган мазкур тадбир чоғида иштирокчилар эътиборига юртимизнинг жуғрофий хусусиятлари, бетакрор тарихий ва маданий мероси ҳамда ўзбек халқининг ноёб амалий санъатига оид маълумотлар ҳавола этилди.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус – 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи юқори савияда ўтказилди. Танлов доирасида ташкил этилган кўргазмалар тадбиркорларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, ички кооперация алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Болалар спорти



Ёшларга муносиб туҳфа

Фарғона шаҳрида "Нефтчи" болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий воситаси сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги кунда Фарғона вилоятининг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари ва ўнлаб секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Спорт мажмуасининг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан бунёд этилган мазкур болалар спорт мажмуасида бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, баскетбол, волейбол, футбол каби ўндан зиёд спорт турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Сузиш ҳавзалари, теннис корти, мини футбол майдони доимо ёшлар билан гавжум. Бу ерда бир вақтнинг ўзида минг нафарга яқин йигит-қизнинг спорт машғулотларида қатнашиши учун имконият яратилган.

Спорт мажмуасининг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Суратда: *(чапдан) мураббий Бунёд Собиров, шогирдлари Абдулазиз Топчиев, Зиёмуҳаммад Эркинжонов, Олим Абдусаломов ва Нуриддин Шагиев билан.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган сурат

Журналистлар малака оширмоқда

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши» лойиҳасининг навбатдаги босқичи бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистларнинг касбий малака ва маҳоратини юксалтириш, уларнинг билимини бойитишга қаратилган бир қатор лойиҳа ва ўқув семинарлари, машғулотлар, маҳорат сабоқлари мунтазам ташкил этилмоқда. «Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши» лойиҳаси шулар жумласидандир.

Бу галги лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият юритаётган 20 нафар журналист 30 мартга қадар мамлакатимизнинг марказий нашрларида, ахборот агентликларида, интернет порталларда малака оширади, давлат ва жамоат ташкилотларида бўладиган учрашувлар, семинар, давра суҳбатларида иштирок этади.

Лойиҳа доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда табиий ресурсларни асраб-авайлаш тўғрисида жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда журналистларнинг вазифаларига оид семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган. Уларда журналистларга табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоатчиликда экологик маданиятни шакллантиришга бағишланган материалларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар берилади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2013 йил иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"*нинг*
нашр индекси — 233

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Истиқлол ёғдусидан мунаввар шаҳар

Бугун биз том маънода буюк ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Жонажон юртимиз юз йиллардан кейин ҳам ғурур билан тилга олишга арзийдиган тарихий янгиланишларни бошдан кечиряпти. Қувонарлиси, ана шу жараён мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, чекка масканларида баравар давом этяпти. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган "Маънавият ҳафталиги" доирасида Термиз шаҳрига борганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Сир эмас, собиқ шўро тузуми даврида Термиз шаҳри чегара истеҳкомига айлантирилиб, метиндек ҳарбий тартиб-қоидалар жорий қилинган эди. Ёпиқ шаҳар "дарвозаси"нинг калити ўзга юртлардан келган калондимоғ генераллар қўлида бўлиб, бу ерга унча-мунча одамнинг кириб-чиқиши ҳам даргумон бўлган. Ўша вақтларда Термиз кўпчилигимиз учун нотаниш, сирли маскан саналар, юртимизнинг бир бўлаги бўлмиш бу шаҳар амалда биз учун бегона эди. Уни обод қилиш, шаҳар аҳлига қулайликлар яратиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

2 ⇨

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: ***«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шерикчилигини кучайтириш.***

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

— аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

— аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;

— ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

— аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти.
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди*** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: ***«Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».***

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларининг ролини ошириш;

— аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;

— нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— босма ОАВлари материалларини мамлакатимиз аҳолисининг анъаналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш тажрибаси ҳамда жаҳон тамаддунининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий, ғоявий ва бадиий савиясини юксалтириш;

— ОАВларининг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;

— интернет-журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиаоламида муносиб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти.
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди*** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ИСТИҚЛОЛ ЁҒДУСИДАН МУНАВВАР ШАҲАР



(Бошланиши 1-бетда.)

Истиқлол шарофати билан Термиз ҳам ўзимизга қайтди. Нисбатан қисқа вақт ичида унинг манзараси бутунлай ўзгарди.

Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш ушбу қадимий ва навқирон шаҳар бугунги кўрку таровати, ободлиги билан кишини лол қолдиради. Дид билан қурилган замонавий, маҳобатли иморатлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Яна қанчадан-қанча қурилишлар давом этмоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, атрофида кўп қаватли замонавий уй-жойлар қурилянти. Шу кунларда қад ростлаётган "Ёшлар маркази"нинг қай даражада маҳобат касб этажагини ҳозирдан тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳашаматли Археология музейи Термизнинг ўзига хос рамзларидан бирига айланган. Ноёб меъморий ечимга эга "Бахт уйи" биносини оппоқ марваридга қиёсласа арзийди.

Хуллас, ҳар қадамда қурилиш, бунёдкорлик, янгиланиш... Қараб туриб кишининг ақли шошади. Кўчаларни тўлдириб юрган одамларнинг чеҳрасидан хотиржамлик, мамнуният ҳиссини илғаш қийин эмас. Бундай тароватли манзараларни кузата туриб, кўнгилни ёқимли ҳиссиётлар чулғаб олади.

...Шаҳардан чиқиб, буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси томон йўл олдик. Машинамиз зиёратгоҳга элтувчи равон йўлда ғизиллаб боряпти. Атрофдаги манзараларга разм соламиз. Жануб томонда асов Жайхун оқиб ётибди. Азим дарёнинг сўл соҳилида қўшни Афғонистон манзаралари яққол кўзга ташланади.

Қизиқ, дарёнинг икки соҳилида бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиладиган икки хил манзара, икки хил дунё. Ўнг соҳилда — дид билан солинган уй-жойлар, уйғонаётган дов-дарахтлар, бўлиқ ғаллазорлар, экин-тикин мавсумига тахт қилиб қўйилган далалар. Сўл соҳилда эса аллақандай хира туман пардаси билан қоплангандек туюладиган мискин бир манзара ҳукмрон. Дарё бўйидан бошланиб узоқдаги яланғоч қир-адирларга туташиб кетган афғон қишлоқларининг қиёфаси ҳам анча ғариб экани сезилади. "Негадир нариги соҳил кундузи ҳам қоронғироқ кўринади" дейди мезбонлардан бири гўё хаёлимдан кечаётган фикрларни пайқагандек.

"Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун хайр-барака кўтарилади" дейишади. Жафокаш афғон замини ўттиз йилдан ортиқ уруш-низолар гирдобига ғарқ бўлиб, дунёвий тараққиётдан ажралиб қолган. Одамлар муттасил ҳадик-қўрқувда яшашга маҳкум, эртанги кунга, ёруғ келажакка ишончи камайган. Энг ёмони, бу юртдаги беқарор вазият бошқаларни ҳам хавотирга солади. Шу топда Президентимизнинг қўшни Афғонистондаги вазият ҳақида мудом ташвиш билан гапиришларининг сабабини янада чуқурроқ англагандек бўлдик. Биз бугунги тинч ва фаровон кунларимизнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ яшашимиз кераклигини дилдан ҳис этдик...

Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи одамлар билан гавжум эди. Икки тарафи қуюқ дарахтлар билан қопланган йўлакдан ўтиб, маҳобатли дарвозадан ичкарига қадам қўйишимиз билан бутунлай ўзга, муаззам бир оламга тушиб қолгандек бўлдик. Ғиштин девор билан ўралган кенг-мўл майдон бир текисда бахмал майсазор билан қопланган. Мажмуа ҳудудида дид билан экилган манзарали дарахтлар эрталабки қуёш нурларида яшил тусли зумраддек товланади. Нафис, анвойи гуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Айтишларича, зиёратгоҳ ҳудудига йилнинг тўрт фаслига мос гул навлари келтириб экилибди. Шу боис, кейинги пайтларда бу ерда қишин-ёзин мана шундай файзиёб манзара устувор экан. Улуғ алломанинг мақбарасига элтувчи йўлнинг чап тарафида миллий меъморчилик услубида бир-биридан чиройли иморатлар тиклангани. Янги музей биноси қад ростлаган.

Зиёратгоҳ Амударё ўзанидан анча юқорида, қадимий Термиз шаҳристони ёнида жойлашган. Бу ерга ариқ тортиб келишнинг имкони йўқ. Сурхон саратонининг қандай кечиши кўпчиликка маълум. Шу сабабли, айниқса, ёзда гиёҳ кўкартириш қанчалик мушкул иш эканини тасаввур этиш қийин эмас. Бунёдкорлар бунинг ҳам чорасини топишган. Қудратли насослар ёрдамида дарёдан сув чиқарилиб, улкан ҳовузга тўпланади. Шу тариқа майсазор, гулзор ва дарахтлар мунтазам оби ҳаёт билан таъминланади. Мажмуа ҳудуди қишин-ёзин яшнаб туришининг сабаби ҳам шунда.

Айтишларича, собиқ шўро тузуми даврида ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ёпиб қўйилиб, юртдошларимизнинг бу масканга келиши тақиқланган экан.

Бир гуруҳ зиёратчилар билан бирга ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасига кирдик. Ичкарида сокин, улуғвор муҳит ҳукмрон. Ҳамма ўйчан, вазмин тортиб қолган. Оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний отахон улуғ аллома руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилди. Сўнгра юртимизда тинчлик-осудалик барқарор бўлишини, мажмуани обод қилган инсонларнинг ишлари бардавом бўлишини тилаб дуо қилди.

Термиз ота зиёратидан кўнгилларимиз равшан тортиб чиқдик. Ортга қайтаётиб, дашт бағридаги яшил ороldек яшнаб турган мажмуага яна бир кўр назар солдик. Чиндан ҳам эртакмонанд манзара. Бу ерда кўрганларимизни сўз билан таърифлаш қийин. Ана шу ишларнинг ҳаммаси халқимизнинг буюк ўтмишини қадрлаш, улуғ алломаларимиз руҳини эъзозлаш, юртдошларимизнинг кўнгил ободлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилянти. Бундай улуғвор ишлардан фахрланишнинг ўзи камлик қилади. Барчамиз бундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг қадри ва аҳамиятини теран ҳис қилиб, Истиқлол берган неъматларни асраб-авайлашга, юрт тинчлиги ва равнақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилишимиз керак.

Шу куни Термиз давлат университетининг янги биносини ҳайрат ва ҳавас билан кўздан кечирдик. Шинам аудиторияларда талабалар қунт билан билим олишяпти. Уларга яратилган шарт-шароитлар аъло даражада. Билим маскани энг замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган. Тўртинчи қаватда жойлашган мусиқий таълим кафедрасига кирдик. Турли мусиқа асбоблари дид билан териб қўйилган кенг хонада бир гуруҳ ўқитувчилар қизғин суҳбатлашиб туришган экан.

— Янги бинога кўчиб ўтганимиздан бери меҳмонларнинг келиши одатий ҳолга айланиб қолди, — дейди кафедра мудири, профессор Музаффар Наимов салом-аликдан сўнг. — Уларнинг университетимиз ҳақидаги таассуротларини, ҳаяжонли фикрларини эшитиб қувонамиз. Бир неча бор йирик анжуманлар ўтказилди. Ўтган йили муҳтарам Президентимиз ташриф буюриб, бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди, талабалар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Бу қувончли воқеа барчамизнинг хотирамизда умрбод сақланиб қолди.

Шу пайт хонага икки нафар талаба қиз кириб келди.

— Бу қизлар кафедрамизнинг фахри, — дейди Музаффар Наимов. — Бири опера йўналишида, бири мумтоз ашуланчидик бобида ноёб овозга эга.

Музаффар ака қаршисида турган торни созлашга тушди. Бошқалар доира, танбур, ғижжакни қўлга олди. Шундан сўнг Гулчеҳра Чориева "Таманно", "Айлагач", Мавлуда Нормуродова "Дугонажонлар" ашуласини маромига етказиб ижро этди. Чиндан ҳам, чеҳрасидан беғуборлик, самимийлик уфуриб турган нозикниҳол қизларнинг овози ипакдай майин, чиннидай жарангли эди. Биз ҳам уларнинг қўшиғини мароқланиб тингладик. Ҳа, бепоён Сурхон замини ҳамиша юртимизга ноёб истеъдодларни етиштириб берган. Ана шу анъаналар бугун ҳам давом этаётгани кишини қувонтиради.

Талабалар дарсдан чиқишгач, университетнинг муҳташам мажлислар залида улар билан юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, ёшлар маънавияти, адабиётнинг инсон камолотида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик. Самимий мулоқот, қизиқарли савол-жавоблар тарзида кечган учрашувимиз шеърхонликка уланиб кетди. Талабалар ҳам дадиллик билан минбарга кўтарилиб, таниқли шоирларнинг шеърларини ёддан ўқиб беришди. Уч соатча давом этган мулоқот ҳеч кимни зериктириб қўймади. Энг қизиғи, бир гуруҳ талабалар тушдан сўнг шаҳардаги 2-сонли академик лицейда белгиланган учрашувга ҳам етиб боришди. Уларнинг фаоллиги, дунёқараши кенглиги барчамизни хурсанд қилди.

Ёшлар билан хайрлашиб кўчага чиққанимизда Термиз узра оқшом чўкиб улгурган, лекин ранго-ранг чироқлар ёғдусига чулғаниб ётган гавжум кўчалар худди кундузгидай чароғон эди. Оҳиста эсаётган кўклам насими кишига ҳузур бағишлайди. Тадбирлар кун бўйи давом этган бўлсада, ҳеч биримизда чарчоқ аломатлари сезилмас, кайфимиз чоғ, руҳимиз тетик эди. Кўнглимизда тунги Термиз манзараларини томоша қилиш истаги туғилди. Шу ниятда кўча-кўйни тўлдириб юрган одамлар орасига сингиб кетдик.



Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
журналист

Мозий сарҳадларида

МЕЗОН — ФАҚАТ ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ

Эҳтимол, кўпчилик "Менким, соҳибқирон — жаҳонгир Темур" китобини ўқиган бўлса керак. Очиғи, "Янги аср авлоди" нашриёти 2011 йилда чоп этган бу асарни мутолаа қилган айрим китобхонлар ўз ҳаяжонларини яшира олмаяптилар: "Китоб дегани бундоқ бўлибди!". Нима ҳам деймиз, ҳар кимнинг ўз диди бор. Гарчи бу асар ҳақида 2006 йил ўз муносабатимизни билдирган бўлсак-да ("Дунё билган "Тамерлан" ёки ёлғон қачонгача давом этади?", "Hurriyat", 2006 йил, 5 апрель), баъзи мунозарали ўринларни яна қайд этиб ўтиш ортиқчалик қилмайди, деб ўйлаймиз.

Негаки, ўз вақтида йирик шарқшунос олим В. Бартольд таъкидлаганидек, бу давр (яъни Темур ва Темурийлар даври) тадқиқотчилари материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган ва, энг аввало, танқидий ўрганишни, кейин эса танқидий нашр этишни тақозо этадиган материалларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади. Инчунун, ҳамма нарсани Соҳибқирон Амир Темурга нисбат бераверіш бир томондан ғайриилмийлик бўлса, иккинчидан шусиз ҳам чалкаш ва зиддиятли тарихий воқеликни баттар мавҳумлаштириш бўлиб қолади.

Француз солномачиси Марсель Брионга нисбат берилган мазкур асар аслида халқлар орасида кенг тарқалган ривоятларга асосланган китоблардан бири бўлиб, бундай битиклар қарийб етти асрдан буён форс, араб, турки, рус ва бошқа тилларда яратилиб келинган. Ўзбек китобхонлари Салоҳиддин Тошкандий томонидан ўтган асрнинг бошларида қоғозга туширилган "Темурнома" китоби билан яхши таниш. Шу нарса аниқки, уларда васф этилган буюк давлат арбоби, илм-фан ва санъат ҳомийси Амир Темур шахси муаллифлар иқтидори даражасида, боз устига анча эркин (тарихийлик нуқтаи назаридан), субъектив талқин қилинган ва турли даражадаги нуқсон ва хатоликлардан холи эмас. Очиғи, бу буюк зотнинг шахсияти шунчалик маҳобатлики, уни бутун кўлами билан қамраб олиш анча мушкул (ҳатто имкондан ташқари) — бу ҳолни алоҳида эътироф этиш лозим. Шу туфайли мазкур мавзудаги асарлар Соҳибқирондан кўра муаллифларнинг салоҳияти, иқтидори, маслаги, эътиқоди, илмий ҳалоллиги, ватанпарварлиги ҳақида маълумот беради.

Теран уммонда қулоч ёзиб сузишга чоғланган қаламкаш ўзи хоҳлайдими-йўқми, кимлигини билдириб қўяди: унинг мажоли бу маънавият денгизидан ё бир пиёла сув олишга етади ёки қўлига бирор хас-хашакни илаштириб чиқади ёхуд чуқур сузиб, ботиндаги синоатни кашф этишга муяссар бўлади. Иккинчи томондан эса ўша ўлжасини жамоатчиликка қай йўсинда — борлигичами ёки тўғридан-тўғри қора чаплабми, ифодалайди. Ҳозиргача шундай бўлиб келган ва шу туфайли бобокалонимиз шахсияти жуда зиддиятли ҳамда қарама-қарши қиёфа касб этиб қолган. Эндиликда чинни ростдан ажратиш учун ҳамманинг ўзида олтинни мисдан фарқлайдиган маҳак тоши бўлиши лозим.

Мулоҳаза юритмоқчи бўлган халқ китоби билан 1991 йилда рўй берган воқеа кўпчиликнинг хотирасида бўлса керак. Ундан боблар қайсидир йўллар билан таржима қилинган ва "Шарқ юлдузи" журналининг 1-сонидан "Мен — фотиҳ Темур" деган ном билан чоп этишга киришилган эди. Бундан хабар топган чинакам илм аҳли бу номукаммал асар эндигина ҳақиқий қиёфаси халққа маълум бўлиб бораётган зот ҳақидаги тасаввурларни яна ҳам чалкаштириб юборишидан ташвишга тушиб, бу ишга қарши турган ва журналда чоп этиш тўхтатилган эди. Ўшанда йирик тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг қанчалик жон куйдирганига гувоҳман. Ҳатто ўз қарашларини ҳам тафтиш қилиб, тарихимизнинг бу ёрқин сиймосига чинакам ватанпарварлик назари билан ёндашаётган олим сидқидилдан қайта-қайта "Энди Амир Темуримизни асрашимиз керак" деб такрорлаганди.

Бундай безовталикка эса асослар бор эди. Мазкур китоб дастлаб форс тилида иншо этилган ва кейинчалик рус тилига таржима қилинган — бу аниқ. Биз танишишга муваффақ бўлган 2004 йилги Нью-Йорк нашрида Марсель Брион (Франция) тузувчи (Забиҳулло Мансурий билан бирга) деб кўрсатилган (бизнинг бағри кенг таржимонларимиз эса уни ҳе-йўқ, бе-йўқ муаллиф деб эълон қилишган ва китоб муқовасига ўз меҳрларини ўқловдек ҳарфлар билан муҳрлашган). Интернет маълумотларидан маълум бўладики, 1895-1984 йилларда яшаб ўтган Марсель Брион ҳақиқатан Франция Фанлар академиясининг аъзоси қилиб сайланган ва кенг жамоатчилик уни санъатнинг турли соҳаларида машҳур бўлган кишилар ҳақидаги "Моцарт", "Дюрер", "Микеланжело" сингари биографик хроникалари орқали кўпроқ танийди. Унга машҳурлик тожини кийгизган асар ёки тадқиқотлар рўйхатида Шарқ тарихи, хусусан, Амир Темур ёки Темурийлар даври билан боғлиқ бирор китоб қайд этилмаган. Демак, уни бу мавзунинг йирик тадқиқотчиларидан деб эътироф этиш тўғри эмас.

Дастлаб "Мен — фотиҳ Темур" номи билан жамоатчилигимизга таништирилмоқчи бўлган асар ўз мавқеи жиҳатидан илмийликка даъво қилолмайди. Шунингдек, уни Амир Темур солномаларидан бири, ҳатто, шу йўналишдаги китоб, дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Албатта, бу даъвони тасдиқлаш учун ҳар бир далил тарихий ҳақиқат билан солиштириб чиқилиши даркор. Шунингсиз ҳам фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим нуқталарга тўхталамиз. Китобга илова қилинган муқаддимада "Темурлэнг (китобнинг чинакам қиёфасини тасаввур қилиш учун унинг бош қаҳрамони исмини "таржима қилиб" эмас, қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтирдик, чунки Тамерлан ёки Темурлэнг, у — Амир Темур эмас) Чиғатой маликасига уйланди ва малика уч ўғил туғиб берди" деган маълумот келтирилади. Бу маълумот бирор тарихий далилга мос келмаслигини бугун юртимизда мактаб ўқувчиси ҳам билади.

Бундай далилий хатоларнинг сон-саноғи йўқ. Китобда Амир Темур "Соҳибқирон" дея улуғланган илоҳий зот, кейинчалик буюк давлатнинг асосчиси ва кўплаб умуминсоний муаммоларга ечим топган мислсиз ислоҳотчи сифатида эмас, арзимаган ҳақ эвазига бойларнинг қўй сурувини йўлтўсарлардан қўриқловчи тўда бошлиғи ёки мақсадсиз бир шаҳарга ҳужум қилиб, унинг шаккок қавмининг таъзирини бериб қўядиган зўравон сифатида акс эттирилган. Жиддий нуқсонлардан бири шуки, уйдирмачилар Амир Темурни муқаддас қадриятларга, жумладан, Қуръони каримдек илоҳий китобга таҳрир киритишга журъат этган оми қиличбардор сифатида кўрсатишдан ҳам тортинишмаганлар. Бу, яъни муқаддас илоҳий каломга заррача тил тегизиш ўта шаккоклик эканини "тузувчилар" билган, шундай талмовсираш билан диний ақидапарастларнинг ғазабини қўзғашга жаҳд қилгани маълум бўлиб қолади.

Китобда келтирилишича, Амир Темур Ҳалаб (Алеппо)да турган вақтида бу шаҳарда тўпланган диний алломаларни тўплаб, Қуръон оятларининг ҳозирги анъанавий тартибини "бузиб", уларни ваҳий қилинган вақтига кўра тизиб чиқишга амр этади. Ҳолбуки, бу ақлга тўғри келмайдиган иш эди ва ўз "Тузуклари"да "Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузугим ер юзида Оллоҳ таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига ривож бериш бўлди. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватладим" дея таъкидлаган зотнинг бундай таваккалчиликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. Маълумки, муқаддас китобнинг тартибини ўзгартириш эмас, ундаги битта белгини бузиш ҳам гуноҳ ҳисобланади, Тартибни ўзгартириш ҳақидаги фикр қанчалик хато эканини Соҳибқирондек буюк зот билмаслиги мумкин эмас эди. Қолаверса, бундай хатти-ҳаракат бирон диний ёки дунёвий адабиётда тилга олинмаган. Демак, бу ҳам "тузувчи"ларнинг навбатдаги нохолислиги.

Умуман, "Мен соҳибқирон-жаҳонгир Темур" китоби Амир Темурга нисбат бериладиган бўлса, ҳар бир гапини тушунтириш учун ундан ҳам кўра кўпроқ шарҳ ёзишга тўғри келади. Шунга кўра, китоб ташаббускорлари бош қаҳрамонларини "Йўлбарсхон" ёки "Арслонбек" деб номлаганларида эди, уни фантастик бир асар деб қабул қилса бўларди. Аммо ташриф қоғози сифатида "Амир Темур"нинг жуда оммабоплигини ҳисобга олиб, ундан тижорат мақсадида фойдаланганлар. Омади гап шу.

Албатта, мутаржимлар — Ф.Рўзиев ва Ф.Тиловатов бу юмушни яхши ниятда, хайрли мақсадларни кўзлаб, бобокалонимиз шахсиятига бутунлай туҳмат бўлган ўринларни қисқартириб, ўз дидлари даражасида амалга оширганлари шубҳасиз. Уни "Амир Темур ҳақида ким қандай ёзар эди?" қабилида иншо сифатида қабул қилса бўлади. Негаки, баъзан қандай ёзишни ўз салоҳияти билан қандай ёзмаслик керак бўлганлигини кўрсатиб қўйган китоблардан ҳам ўрганадилар-ку. Асарнинг зиддиятларга бойлиги, бу мавзуда етарли маълумоти бўлмаган одамни чалкаштириб қўйишини ҳисобга олиб, баъзи истисно ўринлар китобга ёзилган муқаддимада очиқ айтилиши лозим эди. Шунда оммавий китобхонлар ҳайрон қолиб юрмасдилар. Негаки, мустақиллик йилларида бу мазуда турли жанрларда кўпгина асарлар яратилди. Жумладан, Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тўрт китобдан иборат "Улуғ салтанат" тетралогиясини китобхонларга туҳфа қилди. Ана шу асарлар билан "машҳур француз ёзувчиси Марсель Брион" талқинидаги образ ўртасида фарқ катта. Шундай бўлгач, китобхоннинг боши қотиши аниқ.

Албатта, тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимиз ҳақида севиб ўқиладиган китоблар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Фақат улардаги бадиий тўқималар тарихий адолат мезонларига мос келиши шарт. Бинъаксс, бу шарафли исмларни суиистеъмол қилмай, исталган ном ва қаҳрамонларни жонлантириш ижодкорларнинг ихтиёрида.

Демак, бу улкан меросга, аввало, чуқур ҳурмат билан, кейин эса тарихий адолат ва илмий ҳақиқат нуқтаи назаридан қараш ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.

Ҳаким САТТОРИЙ

Қарор ва ижро

Бугун тадбиркорларимиз маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда давлатимиз томонидан соҳа вакилларига яратилган имтиёзлар, солиқ тизимидаги енгилликлар қўл келмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тадбиркорлар учун айни муддао бўлди.

ИМТИЁЗЛАР – ИМКОНИЯТ КАЛИТИ

Маҳаллийлаштириш дастури асосида меҳнат қилаётган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга қаратилган бундай имтиёзлар Наманган шаҳридаги «Мехмаш», «Машхим», «Мехмаш агро» масъулияти чекланган жамиятлари, «Наманган трансформатор» корхонаси сингари субъектларда миллионлаб сўм маблағни тежаб қолиш ва уни истиқболли режалар ижросига йўналтириш имкониятини юзага келтирди.

Таъкидлаш керакки, вилоят бўйича саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган 23 та корхона ўтган йили қарийб 2,5 миллиард сўмдан ортиқ солиқ имтиёзига эга бўлди. Улар ўз ихтиёрида қолдирган бу маблағни ишлаб чиқариш қувватини ошириш, замонавий жиҳозлар сотиб олиш, қўшимча иш ўринлари яратиш каби мақсадларга йўналтирдилар. Масалан, санитар-техника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Наманган шаҳридаги «Мусаффо полимер» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили 20 турдаги маҳсулотни маҳаллий шароитда ўзлаштиргани ҳисобига 70 миллион сўмга яқин солиқ имтиёзига эга бўлди. Меҳнат жамоаси ушбу маблағни хориждан кучли вакуум остида металлга ишлов берувчи технология сотиб олишга йўналтирди. Натижада корхонада ўтган йилнинг ўзида маҳсулотнинг янги тури — 3000 донадан ортиқ ихчам душхоналар тайёрланиб, унинг асосий қисми қишлоқларда барпо этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишига етказиб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу тадбирлар «Ислоҳотлар инсон учун, инсоннинг фаровон келажаги учун» деган шиорнинг амалда таъминланаётганлигига яна бир ёрқин исботдир. Зеро, тадбиркорлар манфаатини кўзловчи имтиёзларни том маънода имконият калити дейиш мумкин.

Равшанбек АЮБОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

Таассуф

СИЙЛАГАННИ СИГИР БИЛМАС...

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг халқимиз ўзлигини қайтариб олди. Бир неча ўн йиллар давомида топталган қадриятлари, дини, миллий урф-одатлари яна қад кўтарди.

Бир пайтлар эркин ибодат қилиш у ёқда турсин, ҳатто давлат муассасаларида ишловчи кишиларга ўз ота-оналари жаназаларига бориш тақиқлаб қўйилганини эслашнинг ўзиёқ мустақиллик бизга нақадар бебаҳо неъматлигини англашимизга етарли далил бўла олади.

Бугун бир пайтлар ана шу топталган ўзбекнинг қиёфаси янгидан юз очди. Бугун ўзбекнинг кимлигини ҳамма бирдек танияпти, у амалга ошираётган маънавий-маърифий ишларга бутун жаҳон тан беряпти.

Энг асосийси, бугун мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Бир пайтлар бутун мамлакат бўйлаб борйўғи бир нечта масжид фаолият юритган бўлса, айни кунга келиб уларнинг сони икки ярим мингдан ошди. Бошқа дин вакиллари учун ҳам бундан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилмоқда. Турли конфессия ва диний ташкилотлар фаолият юритяпти.

Муҳими Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эмин-эркин ўз ибодатини қилаяпти, диний байрамларини нишонлаяпти.

Ҳукуматимиз томонидан Ҳайит байрамларининг дам олиш кунлари деб қатъий белгилаб қўйилганининг ўзиёқ ҳар қандай саволга жавоб бўлиши мумкин.

Минг афсуски, ана шу имконият ва шарт-шароитларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўлни танлаб, ўз бошини ғалвада қолдираётганлар ҳам учраб турибди.

Халқимизда бироз қўпол, бироз беўхшов бўлса-да «Сийлаганни сигир билмас, сийпаганни хўкиз сезмас» деган ажойиб нақл бор. Бир тарафдан қараганда бунинг замирида ҳеч қандай маъно йўқдек, назаримизда. Аммо бироз мушоҳада қилинса, бу нақлнинг бежиз айтилмаганига амин бўламиз.

2012 йилнинг 22 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди кўрган ишдаги айбланувчиларга нисбатан юқоридаги нақлни бемалол ишлатиш мумкин.

Судланган Ғайрат Ҳусанов, Шуҳрат Юнусов, Ботир Икромов, Алишер Раҳимбоев ҳамда Отабек Орипов, Музаффар Миралиев, Фазлиддин Муҳамедов, Ҳасан Абдиев, Дилшод Салимовларнинг энг ёши 35 ёш, катталари эса 40 ёшдан ўтган.

Инсон бу ёшда ақлу хушини йиғиштириб олиши, ҳар бир қадамини ўйлаб босиб, фарзандлари камоли, уларнинг келажаги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, тинч-хотиржам умргузаронлик қилишга интилиши ҳаётий ҳақиқат.

Улар эса бунинг акс йўлини тутишди.

Ғайрат Ҳусанов юқоридаги судланувчилардан иборат ноқонуний диний жамоасига раҳбарлик қиларди. Улар иштирокида турли ноқонуний йиғинлар ўтказилар, уларда халқ тилида айтганда «чала муллалар» диндан дарслар ўтишарди. Гўёки дин таълимотини ўрганишар, аслида эса иштирокчилар онгига секин-аста бузғунчи ғоялар сингдирилар, жиҳод ҳақидаги қарашлар кенг тарғиб қилинарди.

Энг ачинарлиси, турли бузғунчи ғоялар битилган адабиётлар, дисклар гуруҳ аъзолари қўлида айланарди. Гуруҳ аъзолари ўзлари қилаётган ишлар ноқонуний эканлигини билсалар-да, бу йўлдан қайтишмасди.

Ноқонуний гуруҳ кўпинча ўз йиғинларини уйларда ўтказишар, улардан ҳеч ким шубҳаланишига имконият беришмасди. Гўёки атрофдагиларда бирор хонадонга йиғилган улфатлар, деган тасаввур уйғотишарди.

Секин-аста гуруҳ аъзолари қонуний тарзда ишлаётган имомлар билан масала талашадиган, ўзларининг фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладиган бўлишди. Ана шунда атрофдагилар сергак тортишди.

Махсус тадбир давомида Тошкент вилояти Ички ишлар ходимлари томонидан Ғайрат Ҳусановнинг уйи тинтувдан ўтказилганда ақидапарастлик ғоялари илгари сурилган диск топилган. У ашёвий далил сифатида олинган ва адабиётшунослик экспертизаси орқали текширилганда унда Абдували Мирзаев деган кимсанинг ғайриқонуний ғояларга асосланган маърузалар тўплами эканлиги аниқланган.

Маълум бўлишича ушбу диск гуруҳ аъзолари қўлида айланган. Уларнинг мақсадлари ушбу дискни кўпайтириб, кенг тарқатиш бўлган.

Суд жараёнларини кузатиб, судланувчиларнинг берган кўрсатмаларини тинглар экансиз, улар ўзларини динни ўрганиш мақсадида гуруҳга қўшилганликларини айтишади.

Энди бир мулоҳаза қилиб ўйлаб кўринг. Диний таълим олиш учун мамалакатимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган бир пайтда нима учун улар яширинча билим эгаллаш ҳаракатига тушиб қолишди?

Айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек, ушбу гуруҳ аъзолари ўзлари қилаётган ишлар, илгари сураётган ғоялари Ўзбекистоннинг хавфсизлигига раҳна солишини, турли нифоқ ва келишмовчиликларга сабаб бўлишини жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам яширин тарзда турли йиғинлар ўтказиб келишган.

Хўш, агар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ушбу ноқонуний диний гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилмаганида нималар бўлиши мумкин эди. Бунинг учун турли йилларда Ўзбекистонда ўтган мустақиллик даврида содир этилган хунрезликлар, экстремистик хатти-ҳаракатларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Шу ўринда кишини турли мулоҳазалар чулғаб олади. Ислом дини яхшилик, эзгулик дини. У дунёга одамлар орасига раҳна солиш, кишилик жамиятини чок-чокидан ситиб юбориш учун келмаган. Аксинча, кишиларнинг бошини бир жойга тўплаш, яхшиликлар сари чорлаш, динлараро бағрикенгликка кенг йўл бериш учун пайдо бўлган диндир.

Айни пайтда ўз қарашларини сингдиришга уринаётган турли оқим ва гуруҳлар динни мустаҳкамлаш эмас, аксинча унинг таназзулига сабаб бўлаяпти. Икки ўртада диний қарама-қаршиликлар вужудга келяпти. Бунинг ортидан эса қанчадан-қанча қирғинбаротлар бўлиб, минглаб инсонлар дунёдан кўз юмяпти.

Агар юртимизда юқоридаги каби яширинча фаолият юритувчи турли гуруҳларга беэътибор бўлсак, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни ўз қўлимиз билан барбод қилишимиз, фаровон ҳаётимизни дўзахга айлантиришимиз ҳеч гап эмас.

Ёқуб САИД

Тадбир

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сон жиҳатидан ошиши ижод эркинлиги, сўз айтиш масъулияти борасидаги умумий манзарани анча ўзгартирди. Эндиликда барча нашрлар ўз йўлини, услубини мустақил равишда танлаш ихтиёрига эга. Шундай катта имкониятни қўлга киритган ижодкор, албатта, тараққиётимиз йўлига ғов бўлаётган оғриқли нуқталарни, муаммоли ҳолатларни қаламга олиши, бу борада фуқароларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиши лозим.

ДАВР ВА ПУБЛИЦИСТИКА

Бинобарин, публицистика ижтимоий тараққиёт суръатларига ўлкан таъсир кўрсатувчи ҳозиржавоб жанрларни ўз ичига олади. Аммо публицистикадаги дадиллик, журъат, ҳозиржавоблик ҳамон сустлигича қолмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Публицистика Кенгашининг 22 март куни бўлиб ўтган ҳисобот-йиғилишида ҳам айни фикрлар такрор-такрор қайд этилди.

Кенгаш раиси, таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев 2012 йил давомида нашр этилган энг сара асарларни эътироф этиб, ёзувчи ва публицистларни янада фаолроқ бўлишга, жамиятимиз ҳаётида кечаётган улкан эврилишларга ҳамоҳанг қадам ташлашга чорлади.

Айни мавзу юзасидан таниқли олим, публицистика назарияси бўйича мутахассис, профессор Сайди Умиров ҳамда "Инсон ва қонун" газетасининг Бош муҳаррири, шоир ва ёзувчи Кўчқор Норқобил маъруза қилди.

Нотиқлар ўз чиқишларида ижодкорлар олдида турган долзарб вазифа, ютуқ ва камчиликларни чуқур асослаб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Хусусан, С.Умиров муаммоли мақола, муаммоли очерк, хатлар таҳлили (обзор), фельетон каби жанрлар бугун жуда ноёб эканини, шу рукн остида чоп этилаётган материалларда маҳорат бўлса жасорат йўқлигини, жасорат бор бўлганларида эса, афсуски, маҳорат йўқлигини, ниҳояти, ҳар икки омилни омухта қилган салмоқли чиқишлар эса анчадан буён матбуотимизда кўринмай қолганини гапирди.

Олимнинг кузатувларига қараганда, бугун бош мақолаю турли матбуот обзорлари давр тақозоси билан ўз ўрнини суҳбат, интервью каби тезкор жанрларга бўшатиб берди. Бу, аввало, мамлакатимизда сўз эркинлигининг устуворлиги ҳамда эркин ахборот олиш имкониятининг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

— Бугун эълон қилинаётган публицистик асарлар денгиз тўлқинларининг вақти-вақти билан қирғоққа урилиб туришига ўхшайди, дея таъкидлади олим, — муайян саналар, тадбирлар арафасида ҳаммамиз сўзамоллик қилишга тушамиз. Ваҳоланки, ижодкор ҳамиша бедор бўлиши, Ватаннинг куюнчак бир фуқароси сифатида, юксалиш йўлига тушов бўлаётган омиллар билан аёвсиз курашиши даркор.

Мавзу юзасидан сўзга чиққан навбатдаги маърузачи Кўчқор Норқобилнинг публицистика ҳақидаги мулоҳазалари давра аҳлини анча сергак торттирди. У, хусусан, болалар учун мўлжалланган нашрлар миллион-миллион нусхада дунё юзини кўриши мумкин бўлгани ҳолда, аҳоли сонига нисбатан анча кам ададда босилаётгани, айни соҳани ривожлантириш, пировардида, эртанги кун ўқувчиларининг диди ва савиясини шакллантириш йўлидаги энг муҳим қадам эканлигини қайд этди. Нотиқнинг фикрича, бугун зиёлилар орасида "Тез ўқиладиган газета", "Ўқилмайдиган газета", "Сарлавҳанинг ўзини ўқиса бўладиган газета" каби иборалар пайдо бўлган. Бир вақтлар машҳур публицист Дадахон Нурийнинг экологик танглик ҳақидаги мақолаларини халқ катта эътибор ва ташвиш билан ўқиган, ижтимоий ҳаётда улкан акс-садо берган эди. Лекин бугун вазият ўзгарди, барчаси ўз қўлимизда. Эндиликда қараб турмасдан, нафақат глобал экологик муаммолар, балки инсон қўли билан она табиатга етказилаётган зиён-зиёнатлар, уларнинг олдини олиш ҳақида ёзишга нима ҳалал беради?..

Муҳокамада сўзга чиққан таниқли публицист, адабиётшунос Шуҳрат Ризаев тусиз, бир қолипдаги нашрларнинг кўпайиб бораётганини таассуф билан қайд этди. Ҳозирда ёзилаётган камдан-кам танқидий руҳдаги мақолаларда ҳам исм-фамилиялар, рақамларни ҳаспўшлаш, аяброқ сўз айтишга мойиллик кучли. Ваҳоланки, барчамизнинг фикримиз бир, мақсадимиз холис — Ватанимизнинг ривожланиши ва юксалишига ўз улушимизни қўшиш. Бугунги авлод оммавий маданият ниқоби остида кириб келаётган иллатларнинг қай йўсинда ёшлар онгига ўрнашиб олаётганининг гувоҳи бўлиб турибди. Демак, айни мавзуда ёзиш учун материал, мулоҳаза мўл. Халқимизнинг матбуотга ишонч ва ҳурмати юксаклигидан фойдаланиб, кўпроқ ўша нашрларни номарғуб ҳолатлар танқидига йўналтириш керак, дея хулоса қилди Ш.Ризаев.

"Гулхан" журнали бош муҳаррири А.Жўраевнинг фикрича, ҳозир матбуотда танқид билан мулоҳаза ўзаро чатишиб, қандайдир тушуниб бўлмайдиган бир қоришма пайдо бўлган. Шунингдек, лўқмалар бор-у, салмоқли мулоҳазалар камёб.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Муҳаммад Али сўзга чиқиб, ижод аҳли олдида турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди. Агарки, муаллиф ўзи танлаган мавзуни маҳорат билан таҳлил қила билса, муаммони асослаб кўя олса, давр билан ҳамнафас фикрласа, ҳар қандай публицистик асар, албатта, дунё юзини кўради, дея таъкидлади у. Чунончи, ҳаёт — мактаб, унинг бағрида биз учун қанчадан-қанча мавзулар бор. Бугун улкан, бунёдкорлик ишлари замоннинг қаҳрамонларини яратмоқда. Ёзувчилар вилоятларга борганида, тадбирларда иштирок этиш билан чегараланиб қолмай, аниқ мақсадни кўзлаб, халқимизнинг буюк яратувчанлик қудратини, замонамиз қаҳрамонларининг нафақат ишлари, балки уларнинг ўй-кечинмалари, қалбини теран очиб берадиган пишиқ-пухта бадиий публицистик асарлар ёзишлари лозим, — дея ўз сўзини якунлади М.Али.

Қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўтган кенгаш йиғилишида келгуси режалар ҳам белгилаб олинди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
журналист

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

ТИРИК, МАҒРУР ВА ҲАҚ СЎЗ

Фарғона вилоятидаги босма нашрлар тажрибасини ўрганиш, камчиликларни таҳлил қилиш, ютуқларни оммалаштиришга бағишланган доимий ҳаракатдаги ижодий семинар бу гал Қўштепа туманида бўлиб ўтди. Дастлаб унинг юзга яқин иштирокчилари туман газетасини узоқ вақт бошқарган таниқли устоз журналист Абдуллажон Рўзиев хонадонига ташриф буюрдилар. Устоз ўгитлари ва сабоқлари ёдга олинди.

«Истиқбол йўли» газетасини узоқ йиллардан буён кузатаман: жиддий, таъсирчан сўзи, қиёфаси бор, газеталар ичида ҳам ўз нуфузига эга. Энг асосийси, унинг ўқувчилари бисёр. Техник сабабларга кўра, газета бирор кун кечикиб қолса, қўнғироқ қилиб «газета бугун келмадими?» дея изловчилари, соғинувчилари бор. Вилоятимиздаги вақтли матбуот таҳлилига бағишланган йиғинлардами, доимий ҳаракатдаги семинарларимиздами, қаерда бўлмасин, газета фаолияти ибрат қилиб кўрсатилади. Хўш, бунинг боиси нима? Матбуот бозорида рақобат ҳар қачонгидан кучайган, турли-туман қизиқарли, баъзан енгил-елпи маълумотлар берувчи нашрлар кўпайгандан-кўпайган пайтда туман газетаси ўз ўрнига мустаҳкам эга бўлиб бораётганининг сири нимада?

«Истиқбол йўли»нинг икки йиллик тахламини ўрганиб, таҳлил қилган журналист Собиржон Дадахўжаев газета нигоҳидан четда қолаётган бирор соҳа ёки тармоқ йўқлигини, ҳар бир мақола, корреспонденция, публицистика, суҳбат далил ва рақамларга таяниб, журналистик маҳорат билан ёзилишини, депутатлар, мутахассислар, оддий муштарийлар чиқишлари жонли ва қизиқарли тарзда бериб борилишини мисоллар асосида келтириб ўтди. Демократик ислоҳотларнинг бугунги жараёнида энг долзарб мавзуларга бағишланган таҳлилий ва танқидий мақолалар, айниқса, «Журналистик суриштирув» рукнидаги материаллар мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига туртки бўлаётгани эътиборга лойиқ. Биргина мисол: газетанинг «Коллежларда аҳвол қандай?» сарлавҳали мақоласи таълим муассасаларидаги энг долзарб муаммоларни кўтарганлиги учун ҳам вилоятдаги барча коллеж раҳбарлари, ҳудудий бошқарма мутасаддилари иштирокида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Газетанинг турмуш ташвишларига бағишланган «Дабдабанинг даҳмазаси: кимга фойда-ю, кимга зарар?», «Устунларни қурт емасин» сингари мулоҳазавий чиқишлари кенг жамоатчиликда ижтимоий фикр уйғотиб, қизғин мунозараларга сабаб бўлгани учун ҳам маҳаллаларда, жамоаларда муҳокама этилиб, тегишли хулосалар чиқарилди. Қолаверса, маънавий-маърифий мавзуларга, иқтидорли ёшлар ижодига ҳам газетада алоҳида ўрин берилади.

Айрим жойларда туман газеталари адади ҳатто минг нусхадан ҳам тушиб кетган пайтда «Истиқбол йўли» анча йиллардан буён беш минг нусхадан кам чиқмаётгани, муассис ўз нашри ҳурматини жойига қўйиши, муштарийлар эса уни қизиқиб ўқиётганининг сабаби бор, албатта. Бу ижодий жамоанинг матбуот сўзи қадрини баланд тутиши, журналистик этикага қатъий амал қилиб, касб оҳорига гард юқтирмаслик учун интилишидир. Семинар баҳона бу ерда жам бўлган журналистлар етарли шарт-шароитга, шунингдек, автомашина, замонавий техника воситаларига эга бўлган таҳририятга ҳавас қилишди. Жамоанинг шиори ҳам эътиборни тортади: «Тирик, мағрур ва ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!»

«Истиқбол йўли» газетаси ўнлаб малакали журналистлар, иқтидорли қаламкашлар учун тажриба мактаби вазифасини ўтаган, десак, муболаға бўлмас. Шу даргоҳда қалами чархланган Аҳмадали Хўжаев вилоят телевидениеси ва газетасига бир неча йиллар раҳбарлик қилди. Машрабжон Саримсоқов «Фарғона ҳақиқати»нинг етакчи суратчи-мухбири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон телерадиокомпанияси вилоят бўлими раҳбари Нозимжон Мўминов, «Рухсор» телеканали муҳаррири Соҳибжон Бозоров, «Марказий Фарғона» газетаси муҳаррири Умаржон Исмоилов, Азимжон Худойқулов соҳага «Истиқбол йўли» остонасидан қадам қўйишган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилнавоз Қўлдошева, «Келажак овози» мега-танловининг республика босқичи ғолиби Абдубанноб Мансуров илк ижод намуналарини шу даргоҳда чархлаб, мамлакат миқёсида назарга тушдилар.

Нурли истиқбол сари йўлга чиққан мустақил юрт карвони ҳар жабҳада дадил одимлаётган, Ўзбекистон аталмиш ёш давлатни дунё тан олаётган бугунги кунда матбуотнинг ўткир нигоҳи ва сўзига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Зеро, бу ютуқлар нималар эвазига қўлга киритилаётганини, одамлар, айниқса, ёшларга етказишда туман матбуотининг таъсир кучи жуда зарур, албатта.

Айтиш мумкинки, «Истиқбол йўли» ижодий жамоаси бу вазифаларни фидойилик билан адо этаётир. Айниқса, газета масъул котиби, катта журналистик маҳорат эгаси, жасоратли ҳамкасбимиз Муталибжон Каримовнинг ҳозиржавоб, далил ва таҳлилларга таяниб ёзган мақолалари ҳамиша муштарийнинг диққатини тортади. Унинг «Журналистик суриштирув», «Ислоҳот чорраҳаларида», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас» каби рукнлардаги мақолалари тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилмоқда. Журналист Хадичахон Каримованинг «Муҳаррир минбари», «Публицистик ўйлар», «Муаммо. Мулоҳаза. Таклиф» рукнлари остидаги чиқишлари ҳам жамоатчилик фикрини уйғота олиши билан аҳамиятлидир. Суратчи-мухбир Иброҳимжон Юсупов замондошларимиз қиёфасини лаҳзаларга муҳрлашда ўзининг маҳорат мактабига эга. Бир неча йиллардан буён А-2 ҳажмда, икки хил рангда «Андижон-матбаа» очиқ акциядорлик жамияти нашриётида чоп қилинаётган газета қиёфаси эътиборни тортишида дизайнер-оператор Носирхон Валиевнинг интилувчанлиги қўл келяпти.

— Умрнинг ўтишини кўринг: газета жамоасига қўшилганимга роса қирқ йил тўлибди, — деди семинар сўнггида газета муҳаррири Хадичахон Каримова. — Дастлаб бўлим мудири, кейин муҳаррир ўринбосари, 23 йилдан буён муҳаррир бўлиб ишлаб келяпман. Фаолиятимиздан келиб чиқиб айтаманки, туман газеталаридаги масъулият ва меҳнат марказий нашрлардагидан асло кам эмас. Шунинг билан бир қаторда, шаҳар-туманларда саҳифасига бир неча миллион сўм сарфлаб, реклама берувчилар саноқли. Обуна нархи эса муштарийлар имкониятидан келиб чиқиб белгиланади. Айтмоқчиманки, ҳудуд халқига энг яқин бўлган бундай нашрлар нуфузини янада ошириш, журналистларни моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш керак. Бу Президентимизнинг «Доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиша қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни изҳор этмоқчиман» деган фикрларига ҳамоҳанг келади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси

«ҚИРҚИЛГАН» САҲИФАЛАР

Талабалар орасида мусобақа мақомидаги мунозаралар бўлиб туради. Масалан, ким кўп «беш» олади, жорий назоратни ким кўпроқ ёзади, ким биринчи бўлади сингари. Шундай машғулотлар ҳам борки, уларни кўнглинг хотиржам, ўйнаб-кулиб бажаролмайсан киши...

Талабалардан бир гуруҳи стол атрофида доира ясаб ўтиришар, уларнинг бири газета саҳифаларидаги ўзларига маъқул келган мақолаларни қирқиб олса, иккинчиси ўша бўлакни қоғозга ёпиштириб, янги саҳифа ҳосил қиларди. Яна бири мўматалоқ бўлган газетанинг қийқимларини ғижимлаб, гўё столни тозалаб қўяди. Хуллас, деворий газета тахминан шу аснода (*ўзга газеталарни қийқимлаш эвазига*) яралади. Шунга кўра қайси деворий газетанинг дизайни кўнгилдагидек бўлса, мақолалари ўқишли ҳисобланса, ўша гуруҳ ғолиб деб топилар, турган гапки, «энг зўр» бўлиш учун гуруҳлар даста-даста газеталарни қайчининг жағидан ўтказиб юборарди.

Баъзан ўқитувчиларимиз ҳам назорат иши сифатида топшириқ бергудек бўлишса, газета ахтариб қолар, саҳифалардаги янгилик, мунозарали материалларни шарт қирқиб «папка»мизга тикиб устозга топширардик. Қарабсизки, топшириқ бекамукўст адо этилган, биз талабалар ҳам кўпинча «аъло» билан сийланардик. Ва ниҳоят қўлимизда турган нашрларнинг бир қисми кутубхонага қуроқ солинган ёстиқдек қайтиб борарди. Буни кутубхоначимиз сезмасдими ё билиб билмасликка олардими, бунисиз бизга қоронғу эди.

Орадан унча-мунча вақт ўтди. Ишлаяпман. Газетада мухбирман. Битта мақола тайёрлаш учун баъзида кунлаб, ҳафталаб бош қотиришимга тўғри келяпти. Сўзларни ўз ўрнида қўллаш учун тажрибага эга ҳамкасбларимдан кўмак оламан. Очиғи, журналистларнинг меҳнат фаолияти бу қадар машаққатли бўлишини хаёл қилмаган, билмаган эдим. Ҳозир ҳам бошлаб қўйган мақолам устида мук тушиб ўтирибман-у, ўша кезларда стол атрофида уймалашиб юзига қайчи урган газеталаримиз кўз олдимдан ўтяпти.

Битта мақоланинг газетада чоп этилгунга қадар босиб ўтадиган заҳматли йўлини кўпчилик билмаса керак. Хуллас, муаллиф газетхонлар оммасига манзур бўладиган мавзу топиши лозим. Сўнг унинг доирасида фикр юритилади. Айтайлик, материалга кириш қилинади, воқеалар батартиб тизиб чиқилади, бир фикр иккинчисига боғланади, хулосаланади ва ҳоказолар. Мавзу танлаш ва танланган мавзу юзасида асосли мулоҳаза юритиш ҳам санъат, аслида. Аммо, шу билан материал тайёр бўлди, дейишга ҳали эрта. Чунки мавзуга доир материаллар билан танишиш, етарлича факт ва ахборотга эга бўлиш, мақолани қай йўсинда ёзиш хусусида бош қотириш, ўрни билан соҳа мутахассиси кўмагига таяниш, унга мурожаат қилиш даркор бўлади. Ниҳоят, атрофлича «йиғиб-терилган» фактларни тартибга солиб, уларни мақола мазмунига сингдириш, сўнгра унга мос рукн ва сарлавҳа танлаш — журналист меҳнатининг бошланғич жараёни, холос.

Муаллиф томонидан тайёр деб ҳисобланган, не-не машаққатлар билан қоғозга кўчирилган мақола энди бўлим муҳарририга берилади. Мақолани тайёрлаш учун масъул ушбу ходим ўзига тақдим этилган «ижод маҳсули»ни ўқиб, келтирилган маълумотларни обдон текширади. Мухбир маҳорати етмаган сатрларни бир қадар таҳрир қилади. Орфографик, услубий-имловий камчиликлардан холи қилинган материал адабий котиб «кўригига» юборилади. Адабий котиб мақоланинг бадиий жиҳатига, сўз ва жумлаларнинг тўғри қўлланганига эътибор қаратиб, камчиликларни тўғрилайди-да, бош муҳаррир ўринбосарининг столига қўяди. Ундан сўнггина, бош муҳаррирнинг шахсан ўзи мақолани обдон «чиғирик»дан ўтказади. Қайд этиш керакки, бу жараён ҳам осон кечмайди.

Навбатдаги босқич — дизайнер маҳоратига боғлиқ. Чунки муштарий қўлига борган ҳар бир газетани варақлар экан, истаймизми-йўқми, биринчи навбатда ундаги мақола ва суратларнинг жойлашувига диққат қилади. Боиси, яхши безак берилмаган, қуруқ ҳисоботлардан иборат «материаллар» жойлаштирилган саҳифани ўқиш энг сабрли газетхонни ҳам чарчатиши, зериктириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам телевидение ва радиодан фарқли ўлароқ, босма нашрларда ҳар бир ҳарф, сўз боши, матн устида қунт, сабр, ҳафсала билан ишлаш керак бўлади.

Ниҳоят, газета саҳифаланадиган кун. Бу пайтда саҳифалар навбатчи, мусаҳҳиҳ, бўлимдагилар ва бош муҳаррир томонидан тўрт-беш, баъзан олти марталаб қайта-қайта синчиклаб ўқилади. Шундан кейин саҳифалар бош муҳаррир томонидан босишга рухсат этилгач, кўп нусхада чоп этиш учун босмахонага юборилади. Таъкидлаш жоизки, у ердаги жараён ҳам таҳририятдагидан қолишмайди. Шу тариқа нашрдан чиққан газеталар эрта тонгдан почта ёки «Матбуот тарқатувчи» ходимлари томонидан сотувга чиқади ҳамда обуначиларга етказиб берилади.

Мана шундай узун ва машаққатли босқичлардан ўтган нашрнинг бир сони, афсуски, айрим кишиларнинг қўлига етиб келганда ҳеч иккиланишсиз қирқилиб, яроқсиз ҳолга келтирилиши ачинарли, албатта. Тўғри, газетага обуна бўлган ё сотиб олган киши уни нима қилиши ўз ихтиёрида. Аммо инсон ўзгалар меҳнатининг қадрига етадиган, ҳурмат қиладиган бўлиши керак. Назаримда, журналист, умуман ижод аҳли маҳсулини фақат маънан етук кишиларгина қадрлай олади.

Дарвоқе, ҳозир магистратурада ўқишни давом эттираётган пайтимда ҳам бу ҳол такрорланаётганига гувоҳ бўляпман. Бизга газета саҳифаларини қирқиб, тахламлар тайёрлаш буюрилган. Уйга бориб, ўзим ишлайдиган газетани қўлга олиб, кўздан кечира бошладим. Варақлаб кўрсам, ижтимоий мавзудаги мақолалар анчагина экан. «Масъулиятли вазифа»ни бажарсак бажарибмиздами, биздан нима кетди, дея қўлга қайчини олдим. Аммо, негадир қўлларим менга бўйсунмади. Миямда эса ўз-ўзидан шундай ўйлар чарх урарди: «Ахир шу газета — менинг ноним, пешона терим эвазига «юлдуз кўрди»-ку! Олисдаги юртдошларимиз билан бизни боғлаб турган ягона ришта, кўнгилларга таскин бергувчи хилқат. Энг муҳими, мен ва жамоадошларим меҳнати сингган газета саҳифалари — булар...»

Қўлимда нима қиларини билмай, жаҳли очилиб турган қайчига қарадим. У нигоҳларимдан қўрқди, шекилли, оғзини юмиб олди...

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

ЯПОНЛАР ШАФФОФ ҚОҒОЗ ИХТИРО ҚИЛДИ

Японияниг "Ойл Ҳолдингз"(OilHoldings) ва "Мицубиси Кемикэл Корп" (Mitsubishi Chemical Corp) компаниялари шаффоф қоғозниг илк намуналарини намойиш этди.



Унинг ташқи кўриниши шаффоф полиэтилен плёнкадан фарқ қилмасада, таркиби целлюлозанинг нано толаларидан иборат экани эътиборга моликдир. Қалинлиги инсон соч толасидан 20 минг баробар юпқа бўлган бундай қоғоз эгилувчан, ўта енгил, атроф-муҳитни ифлослантирмайди ва уни қайта ишлаш мумкин.

Муҳандисларнинг фикрича, бундай қоғоз келгусида планшет компьютерлардаги шиша ўрнини эгаллаши мумкин. Натижада қоғоз хусусиятларидан келиб чиқиб, эгилувчан планшетларни ўраш, қоғоз ўрами сингари ёйиш ва газета варағидай буклаш мумкин.

Бир квадрат метрлик энг юпқа шаффоф қоғоз варағининг вазни 8 грамм, энг зич варақники эса 85 граммдир. Номлари зикр этилган компаниялар уч йилдан сўнг ушбу қоғозни саноат йўли билан ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

ИНТЕРНЕТ ОЛАМИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ МУТЛАҚ ҲУКМРОН

W3 Techs таҳлил агентлиги тарқатган маълумотга кўра, Интернетдаги сайтларга киритилаётган матнлар миқдори бўйича инглиз тили деярли 55 фоиз кўрсаткич билан етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу иккинчи (рус тили — 5,9 фоиз) ва учинчи (немис тили — 5,9 фоизга яқин) ўринда бўлган тиллар кўрсаткичидан деярли 10 баробар кўпдир.



Дунёда аҳоли энг кўп сўзлашувчи хитой тилиси, деган савол туғилиши табиий. Ушбу тилнинг Интернетдаги улуши испан (4,7 фоиз), француз (4,5 фоиз) тилларидан сўнг 4,4 фоиз билан олтинчи ўриндадир. Ундан кейин ўринларда япон (4,2 фоиз), португал (2,3 фоиз), поляк (1,8 фоиз), италян (1,5 фоиз), турк (1,4 фоиз) ва араб (1,2 фоиз) тиллари бормоқда.

Доменлар орасида энг оммавийси .com (53 фоиздан ошиқ) ва .net (6 фоизга яқин) бўлиб қолмоқда.

.uz миллий доменидаги сайтлар сони эса шу йилнинг февраль ойида 16 мингдан ошди. Доменларнинг 54 фоизи юридик, 46 фоизи эса жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

ЛОТЕРЕЯГА 338 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЮТУҚ ЧИҚДИ

АҚШнинг Нью-Жерси штатида истиқомат қиладиган Педро Кезада "Пауэрбол" лотереяси чиптасига 338 миллион доллар ютиб олди.

Ютуқдан хурсанд бўлиб кетган 44 ёшли П.Кезада маблағни қариндошларига моддий ёрдам сифатида сарфлашини маълум қилди.

"Пауэрбол" лотерея ўйинига чиққан 365 миллион долларлик энг катта ютуқ 2006 йили тўланган эди. Ушбу лотерея АҚШнинг 44 та штатида, Вашингтон шаҳри ва Виргин ороллари да ўйналади.

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ КАШФИЁТ ОРТИДАН МИЛЛИОНЕР БЎЛДИ

Yahoo интернет компанияси катта мақолаларни смартфон экранида ўқишга мослаб берувчи Summly мобиль дастурини унинг ихтирочиси – британиялик мактаб ўқувчиси Ник Д'Алоизиодан 30 миллион АҚШ долларига сотиб олди.

Ушбу ишланма йирик мақолаларнинг қисқартирилган версияларини мобиль қурилмаларга етказиш ҳамда фойдаланувчи қизиққан хабарларни тез ва осон аниқлаб олишда қулайлик туғдиради.

12 ёшидан бери компьютер дастурларини яратиш билан шуғулланадиган Ник 15 ёшида Summlyнинг илк версиясини ишлаб чиққан эди. Yahoo компанияси Summly технологияларини мобиль алоқа қурилмалари учун тайёрланаётган дастурларига жорий қилмоқчи.

УММОН СУЛТОНЛИГИ ҚАДДАФИЙНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИГА БОШПАНА БЕРДИ

Уммон султонлиги Ливиянинг собиқ раҳбари Муаммар Қаддафийнинг беваси София, қизи Ойша, ўғиллари Муҳаммад, Ганнибал ва уларнинг фарзандларига бошпана беришга қарор қилди. Улар 2011 йилда Ливияда рўй берган ҳарбий тўқнашувлар пайтида Жазоирга бориб яшаб турган ва 2012 йил октябрида Уммонга кўчиб келган эди.

Рейтер ахборот агентлигининг Уммон ҳукумати вакили сўзларига таяниб маълум қилишича, султонлик ҳукумати М.Каддафийнинг оила аъзоларига сиёсий фаолият билан шуғулланмаслик шарти билан бошпана берган.

Ливия Ташқи ишлар вазири Муҳаммад Абдулазиз Уммон суверен давлат экани ва мурожаат қилган кишиларга бошпана бериш-бермасликни мустақил ҳал қилишини таъкидлаган ҳолда, ўз ҳукумати М.Қаддафийнинг оила аъзоларини Ливияга бериш ҳақида сўров юбориш хусусида ҳали бир тўхтамга келмаганини билдирди.

Шарҳ

КИПР: Молиявий инқирознинг жуғрофий-сиёсий сабаблари

2013 йилнинг март ойи жаҳон тарихига Европа Иттифоқига аъзо энг кичик мамлакатлардан бири бўлган Кипрда молиявий-иқтисодий инқироз рўй берган сана бўлиб киради. Таҳлилчилар ушбу инқироз ЕИ валютаси – евронинг инқирози билан якун топишидан хавотирланишмоқда.

Бунга сабаб сифатида Европа комиссиясининг евро муомалада бўлган ҳудудда сармоя ҳаракати устидан назорат ўрнатмоқчи ва уни чекламоқчи экани кўрсатилмоқда. Мабодо ушбу чеклов жорий этилса, Кипрда муомалага киритилган евро фақат тўловлар учун ўз ҳудудидан бошқа жойда қабул қилинмайдиган бўлади. Бу ҳол унинг қонунан бўлмаса-да, амалда евроҳудуддан чиқарилганини англатади ва евронинг Кипрдаги баҳоси ЕИга аъзо бошқа мамлакатлардагидан кўра паст бўлади. Ушбу орол мамлакат ўзи истамаган ва, энг қизиғи, пул ислоҳоти ўтказмаган ҳолда миллий валютага эга бўлиб қолади.

Рейтер ахборот агентлиги таҳлилчиси Ҳиюго Диксоннинг фикрича, евроҳудуддаги сармоялар ҳаракати назоратини йўлга қўйиш тарихий хато бўлади. Чунки уни бекор қилиш осон кечмайди — банк ва молия тизимига ишонч йўқолгач, сармоядорлар Кипр ёки евроҳудудга кирувчи бошқа мамлакатлар банкларида сақлаётган омонатларини ҳам инқироз сабабларидан бири, дейиш мумкин. Банклар ортиқча сармоясини ана шу соҳага йўналтираётган эди.

Бебилиска пул ҳар доим ҳам иқтисодиётга фойда келтиравермайди. Бунга яқинда Венесуэла ҳукумати нефть сотувидан тушаётган пул миқдори ортиб кетгани сабабли миллий валюта — боливарни 32 фоиз қадрсизлантиришга мажбур бўлганини мисол қилиб келтириш мумкин. Худди шу сабабга кўра, Кипрда ҳам четдан сармоя тинмай оқиб келиши натижасида нархларнинг рақобатбардошлиги пасайиб кета бошлади.

2008 йилда Европа Иттифоқида рўй берган молиявий инқироз оқибатида иқтисодиёти заиф бўлган Греция, Португалия, Испания, Ирландия сингари мамлакатлар катта зиён кўрди. Бу ҳол Кипрга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда ҳукумат давлат харажатларини қоплай олмай қолди.

Кипр ҳукумати ҳисоб-китобларига кўра, инқироздан чиқиш учун 16 миллиард евро керак. Европа комиссияси, Европа Марказий банки ва Жаҳон валюта жамғармаси Кипр банкларида сақланаётган омонатларга солиқ солиш эвазига 10 миллиард евро қарз ажратадиган бўлди. Жорий йилнинг 1 мартидан ҳаланки, Европада ушбу кўрсаткичнинг ўртача даражаси 354 фоизни ташкил этади. Кипрнинг собиқ президенти Димитрис Христофиас бундан бир йил олдин мамлакат ҳукумати банклар йўл қўяётган хатолар сабабли Европа Иттифоқидан молиявий ёрдам сўрашга мажбур бўлганини айтиб, банк муассасалари фаолиятини кескин танқид қилган эди.

Кипрдаги инқирознинг яна бир сабаби мамлакат банкларининг Грециянинг қарз мажбуриятларига мамлакат ЯИМнинг 160 фоиз миқдорида пул тиккани бўлди. 2012 йили евроҳудудда Грециянинг қарз мажбуриятлари учун тикилган маблағдан ҳисобдан чиқариш йўли билан ялпи воз кечиш оқибатида Кипр банклари киритган инвестициялар нинг 81 фоизи (мамлакат ЯИМнинг 24 фоизи ёки 4 миллиард евродан ортиқ) миқдорида зарар кўрди. Бундан ташқари, жисмоний шахслар олиб қайтармаган қарзлар миқдори ҳам ортиб бормоқда.

Кипрнинг чайқовчиликка асосланган кўчмас мулк бозоридаги молиявий пуфак ёрилиб кетганини ҳам инқироз сабабларидан бири, дейиш мумкин. Банклар ортиқча сармоясини ана шу соҳага йўналтираётган эди.

Бебилиска пул ҳар доим ҳам иқтисодиётга фойда келтиравермайди. Бунга яқинда Венесуэла ҳукумати нефть сотувидан тушаётган пул миқдори ортиб кетгани сабабли миллий валюта — боливарни 32 фоиз қадрсизлантиришга мажбур бўлганини мисол қилиб келтириш мумкин. Худди шу сабабга кўра, Кипрда ҳам четдан сармоя тинмай оқиб келиши натижасида нархларнинг рақобатбардошлиги пасайиб кета бошлади.

2008 йилда Европа Иттифоқида рўй берган молиявий инқироз оқибатида иқтисодиёти заиф бўлган Греция, Португалия, Испания, Ирландия сингари мамлакатлар катта зиён кўрди. Бу ҳол Кипрга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда ҳукумат давлат харажатларини қоплай олмай қолди.

Кипр ҳукумати ҳисоб-китобларига кўра, инқироздан чиқиш учун 16 миллиард евро керак. Европа комиссияси, Европа Марказий банки ва Жаҳон валюта жамғармаси Кипр банкларида сақланаётган омонатларга солиқ солиш эвазига 10 миллиард евро қарз ажратадиган бўлди. Жорий йилнинг 1 мартидан ла-возим ваколатларини бажаришга киришган мамлакат президенти Никос Анастасиадис бунга рози бўлди, бироқ Кипр парламенти унинг қарорига якдиллик билан қарши чиқди.

Шундан сўнг Кипр ҳукумати Еврокомиссия билан "Б режа"ни амалга оширишни муҳокама қила бошлади. Бу режа ҳукуматдан зарур миқдордаги қарзни олиш учун қарийб 6 миллиард евро маблағни қидириб топиши кераклигини назарда тутади. Шу боис, мамлакат банкларида сақланаётган омонатларга солиқ солмасдан иш битмайдиган кўринади. Бунинг учун энди парламент розилиги талаб қилинмайдиган йўл танланди.

24 мартдан 25 мартга ўтар кечаси Европа комиссияси, Европа Марказий банки ва Жаҳон валюта жамғармаси билан эришилган дастлабки келишувга мувофиқ, Кипрнинг Греция қарзларини тўлаш учун маблағ ажратган энг йирик ва энг кўп зарар кўрган иккита банки — "Бэнк оф Сайприс" (Bank of Cyprus) ва ("Сайприс Попюлар Бэнк (Лайки))" (Cyprus Popular Bank (Laiki) қурбон қилинадиган бўлди.

"Коммерсант" (Россия) газетасининг ёзишича, келишув асосида муаммоли банклар "яхши" ва "ёмон"га бўлинади. "Яхши" деб танланган "Bank of Cyprus"нинг қарзлари реструктуризация қилинади. 100 минг евродан зиёд омонат пули бўлган мижозларнинг 30 фоиз маблағи банкнинг сармоялар структурасини ўзгартиришга сарфланади. Мижозлар истаса-истамаса, янги банк акцияларини олишга мажбур. Laiki банки банкрот бўлади ва унинг "яхши" активлари "Bank of Cyprus"га ўтказилади. 100 минг еврогача бўлган омонатлар ушбу банкка ўтказиб сақлаб қолинади. Бундай кичик омонат эгалари асосан британиялик ва кипрлик пенсионерлардир. Кипр парламенти рози бўлмаган қарор амалга ошганда улар ҳам 7 фоизга яқин омонатларидан айрилиши турган гап эди.

Moody's халқаро рейтинг агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда Россия Федерацияси фуқаролари ва компанияларининг 31 миллиард доллар маблағи Кипр банкларида сақланмоқда. Таҳлилчилар россиялик мижозлар ўртасида машҳур бўлган Laiki банкининг банкрот қилинишини Европа Иттифоқи билан РФ, хусусан, РФ билан Германия ўртасидаги муносабатларга совуқлик туширади, деб баҳоламоқда ва бундай қарор қабул қилинишида Германия ҳукумати асосий роль ўйнаганини қайд этишмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, жорий йилнинг 20 март куни Москвага 2011 йили олинган 2,5 миллиард долларлик қарзни тўлаш муддатини узайтириш ва янги қарз сўраш мақсадида сафар қилган Кипр молия вазири Михалис Саррисниг қуруқ қўл билан ортга қайтиши ортида соф молиявий сабаблар турганига ишониш қийин.

Оммавий ахборот воситалари Европадаги иқтисодий инқирознинг жуғрофий-сиёсий сабаблари мавжудлиги ҳақида ёзмоқда. Хусусан, Испаниянинг "El Pais" газетаси Кипр билан боғлиқ вазиятни Германия билан Россия ўртасидаги келишмовчилик оқибати деб атади.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларида кетма-кет рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқирозларга бошқа омиллар баробарида сиёсат ҳам сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Вашингтон шаҳридаги Петерсон номидаги Халқаро иқтисодиёт институти ходими Николас Верон институт веб сайтида эълон қилинган "Европанинг Кипр билан боғлиқ қўпол хатоси ва унинг оқибатлари" мақоласида қайд этишича, Европа Иттифоқининг Кипрга ёрдам бериш бўйича музокаралари 2012 йилнинг ўрталарида бўлиб ўтиши керак эди, бироқ улар ўтган ой Кипрда бўлиб ўтган умумий сайлов ва Германияда сентябрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайлови сабаб тўхтатиб қўйилди.

Н.Верон муаммо ҳал этилишининг пайсалга солинишини Кипр банкларига қўйилган омонатларнинг асосий қисми Россия фуқаролари ва компанияларига тегишли экани билан изоҳлайди. Бундан кўринадики, А.Меркель ҳукумати асосан россияликлар зарар кўрадиган Кипр молиявий инқирози сабаб келгуси сайловда ютқазишни истамайди, чунки Меркель ҳукуматига рақиб бўлган социал-демократлар партияси Кипрнинг Россия билан алоқаларини доимий тарзда танқид қилиб келмоқда.

Хуллас, Кипрдаги молиявий инқирозни бартараф этиш йўлида кўрилаётган чоралар қандай самара бериши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин. Зеро, зикр этилганидай, бу фақат молиявий ёки иқтисодий муаммо эмас.

Фахриддин НИЗОМ

Ахборот хизмати почтасидан

Муқобил энергиянинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилади

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳит масалалари қўмитаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга доир қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласига бағишланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга оид қонунчилик асослари борасидаги масалалар муҳокама этилди. Иштирокчилар Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг «Муқобил энергия манбалари ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун» лойиҳаси билан танишдилар.

Мазкур лойиҳа — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг қўшма хайрия ташаббуси бўлиб, у қайта тикланувчи энергияни қўллаш билан энергия таъминотида тақчиллик сезаётган олис ва етиб бориш мушкул бўлган туманлардаги ижтимоий соҳа объектларини энергия билан таъминлашни яхшилашга қаратилган. Лойиҳа фермер хўжаликлари, ҳунармандчилик устахоналари, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар — шифохона ва қишлоқ врачлик пунктларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда кичик қувватли электр энергиясини тўпловчи манбаларни ўрнатиш орқали амалга оширилмоқда. Жумладан, лойиҳа амалга татбиқ этила бошланганидан буён муқобил энергия манбалари ускуналари билан республикамизнинг 8 та ҳудуди (Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси)даги кўплаб мақсадли объектлар жиҳозланди.

БМТ Ривожланиш Дастурининг «Орол денгизи фожиаси оқибатида азият чеккан аҳоли яшаши ва фаолиятини таъминлаш» лойиҳаси билан ҳамкорлик доирасида бу йил Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туман Марказий шифохонаси ва 9 та қишлоқ врачлик пунктида муқобил энергия манбалари ускуналарини ўрнатиш режалаштирилган.

Экспертларнинг баҳолашича кўра, мамлакатимизда фақат қуёш энергияси манбаларидан фойдаланиш 179 миллион тонна нефт эквивалентига тенг энергияни олиш имконини беради. Аммо муқобил ёқилғи турларини кенг жорий этиш борасида меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги муайян муаммолар туғдирмоқда.

Учрашув давомида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш масалалари ҳамда муқобил энергия манбаларини жорий этиш ва турли аҳоли қатламларини улардан фойдаланиш қўникмаларига ўқитиш билан боғлиқ синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси матбуот хизмати

Reklama

1-ЭЪЛОН

— Тадбиркорлик фаолиятингизни ривожлантирмоқчимиз?

— Хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатмоқчимисиз?

— Унда ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари, туманлар Ахборот-маслаҳат марказларига мурожаат қилсангиз кифоя. Мутахассисларимиз Палата аъзолари учун яратилган имкониятлардан хабардор қилади ва бузилган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Палатага ташриф буюринг.

Телефонларимиз: (+99871) 150-60-06, 150-60-02, (03) www.chamber.uz

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси: келажакни бирга қурамиз!

2-ЭЪЛОН

SMS- ТЎЛОВ хизмат тури – банк онлайн пластик карточкалари орқали жойингиздан туриб барча тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

— Сиз ўз банкингизга паспорт ва уяли телефонингиз билан бир маротаба ташриф буюрсангиз кифоя.

Банкда Сизни тизимга киритиб, электрон имзо берилади.

Шундан сўнг уяли телефонингиз ёки интернет воситаси орқали коммунал, солиқ, телефон, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари Сизга батафсил маълумот беришдан мамнундир.

www.chamber.uz; www.smst.uz; www.businessinfo.uz; сайтлардан юклаб олишингиз мумкин.

E-mail: callcenter@chamber.uz, support@smst.uz

Телефонларимиз: (+998 71) 150-60-06, (+998 71) 233-24-01

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси: келажакни бирга қурамиз!

"Ўзвиносаноат-Холдинг" компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

Инсон манзаралари

Қулман ОЧИЛ

GERI GEDAN

Устоз! Ушбу хатимни ўқиб чиққач компьютерингиздан ўчириб ташланг. Унга бегоналарнинг кўзи тушиб, фақат ўзингизга ишониб айтаётган сиримдан воқиф бўлишларини ва устимдан кулишларини истамайман.

Жуда хунук, жуда ёмон бир иш қилиб қўйдим. Бугун иккинчи куни, лекин ҳали-ҳамон эсласам, юрагим орқага тортиб кетаётир. Йўқ, пушаймондан ҳам, қўрқканимдан ҳам эмас, андишадан! Балки, учаласидан ҳамдир. Бу ситам, бу кўргулик, бу иснод менга қаердан, қандай ёпишди? Кўзга яқин аёл бўлганим учунми? Эрим — Нодирбек акам Японияга кетгач, ёлғизланиб қолганим учунми? Билмайман.

Гарчи ўша куни пешиндан кейин ишхонадан чиқиб кетаётиб полларни артиб юрган фаррош аёлдан, йўлакдаги қон қаердан пайдо бўлганини сўраганимда, у оқизмай-томизмай айтган гаплардан кўнглим бироз таскин топган бўлса-да, ҳалигача ичимни ит тирнаб ётибдики, охири йўқ. Фаррош опа тўлиб турган экан, ёзғириб кетди: «анаву носкаш йигит» зинапоядан иккинчи қаватга чиққан жойида йиқилиб тушибди. Эрталабдан ароққа тўйиб олиб, устидан тинимсиз нос чеккан одамнинг ҳоли яна нима кечиши мумкин? Сип-силлиқ мармарнинг устида ҳам эплаб юролмайди бу ёшлар. Боши айланиб, йиқилган эмиш. Мен сизга айтсам, фақат шу бола эмас, галастук тақиб, ўзича пўрим бўлиб юрадиган дуппа-дуруст бошқа эркаклар ҳам хонасида ўтириб нос чекади-да, чиқит солинадиган челакка туфлайди. Қарабсизки, кечгача ҳам хона сасиб кетади, ҳам челакка қараб бўлмай қолади — тупукка тўлади. Буниси ҳам майли, носини тўғри келган жойга — коридорга, гултувакка, эшикларнинг орқасию зинапояларга туфлаб кетишини айтмайсизми... Тозалагунча кўнгилларим айниб кетади... Нима? Ҳа, дўхтир кўрибди. Ўзимизнинг дўхтир. Оғзи-бурнига пахта тиқиб қўйибди. Тишлари синган эмиш. Юзлари дўмбира бўлиб кетибди. Ўзим кўрдим. «Дамас»га солиб, апил-тапил уйига жўнатиб юборишди. Ортиқча гап-сўздан қочишди, чамаси. Ичиб олган экан-ку!..

Мен етакчи мутахассис бўлиб ишлайдиган банкда, айниқса, бизнинг кредит бўлимимизда ойнинг охири яқинлашганида «ит эгасини, мушук хўжасини танимай қолади». Одамларга кредит бериш осон, ундириш азоб. Ана шу азобни деб ойнинг охирида ҳаммани «тўлғоқ тутади». Баъзан шанба, якшанба кунлари ҳам ишлаймиз. Қарздорларга бирма-бир сим қоқиб, кредитини сўндиришини илтимос қиламиз. Бу гал ҳам шундай бўлди — март ойининг охирги шанбаси филиалимизда иш куни, деб эълон қилинди. Мен саҳар мардонда ишга келдим. Мўлжалим жумада чала қолган ишларимни эртароқ тугатиб, «ёруғ юз билан» уйимга қайтиш, йўл-йўлакай бозор-ўчар қилиш эди. Уч ойдан ошди, Нодирбек акам Токио университетига стажировкага кетганларидан буён, уй-рўзғор ташвишлари тўла ўзимга қолган.

Соат ўн иккидан ўтганда хонамга Мансур кириб келди. Хушбичим, лекин юз-кўзидан сурбетлиги ва ҳудбинлиги шундоқ кўриниб турган ўттиз беш ёшлардаги димоғи бўйидан баланд йигит. Маркетинг бўлимига ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Уни биринчи марта кўрганимда «деворга сув пуркаб, сомонини оладиганлар хилидан экан», деб ўйлаган эдим. Янглишмаган эканман.

Калта олинган қора сочлари мой суртилгандай ялтираб турган бу пўримбойваччани кўриб, энсам қотганини яширмадим: «сен етмай турувдинг!»

— Бир илтимос билан келувдим? — деди у.

Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим. Эркак киши, бунинг устига ёши катта одам, тик турсаю аёл киши қаршисида ялпайиб ўтирса, ғалати бўлар экан.

— Илтимос?

— Ҳа. Илтимосим: энди иложи борича, ҳар куни шу либосингиздa юрсангиз. Қизил кофтангиз, беллари инги-и-ичка, корсони кеенг, тўпиғингизга бош уриб турган липпалари то-оргина қора шараворингиз, чиро-ойли бошингизнинг ортига тортилиб, чиро-ойли турмакланган қоп-қора сочларингиз сизга шунақаям ярашибдики, ишхонамиздаги айрим йигитлар туни билан ухлайолмай чиқаётир! — У «айрим» сўзига алоҳида урғу бериб айтди ва бирдан ашула оҳангига ўтди. — «Деҳқон ўғли Баротнинг уйқусида «оқ-олтин»!..

Мансур ўзининг бу гапларидан ўзи ҳузур қилиб, шарақлаб кулди.

Мақтов кимга ёқмайди? Унинг бу чиройли гаплари, ўхшатишлари менга ҳам ёкди. Лекин, ичимдаги қувончни сиртимга чиқармадим. Сабаби, бу кичкина даромаднинг замирида каттагина таъма яширинганини кўнглим сезиб турарди.

— Шоир бўп кетинг-ей! — Шундай дедиму дарҳол пастки лабимни тишладим: сиртингга чиқармаганинг шуми?

— Сиз ҳали менинг шоирлигимни, беш йил нашриётда ишлаганиму, ҳатто китобим ҳам чиққанини билмайсиз-да?

— Йўқ, — мен ҳам молия институтини тугатгунимча, тўрт йил, ҳафталик газетада мусаҳҳиҳлик қилганимни, бир қанча мақолаларим чоп этилганини айтмоқчи бўлдиму, фикримдан қайтдим. Гапни чўзиб, чувалантириб нима қиламан.

— Нега китобимнинг номини сўрамаяпсиз?

— Ўзингиз айтарсиз...

— «Қийнама, ёр», — деди у маъноли қилиб. — Бир нечта шеъримни ашула ҳам қилишган, радиодан ҳам бериб туришади.

Индамадим. У столим қаршисидаги бўш курсиларга қаради. Мақсадини сезиб, сезмасликка олдим. Шу билан томошанинг муқаддимаси тугаб, асосий қисми бошланди.

— Кечаги таклифим нима бўлди? — деди у қарзини сўраб келган одамдай даб-дурустдан. — Борамизми?

— Қаерга? — дедим ва жойимга ўтириб, компьютеримнинг ўчиб қолган қоп-қора мониторига тикилдим. Ёмон бир ҳодиса юз беришини сезгандай қовоқларим учиб, ичимдан титроқ кўтарилиб кела бошлади. — Тавба! Мени ким деб ўйлаяпсиз, ўзи?..

Мансур беписанд кулди. Кулгусининг замирида гўё, ким бўлардинг, ҳамма аёл қатори бир ожизасан-да. Фарқинг шу — белига биринчи марта эгар урилган тойдай пишқираяпсан. Минги бўлсанг, бошлаган томонимга жимгина йўртиб кетаверасан. Сенга ўхшаган тегма нозикларнинг кўпини минги қилганман. Сен ҳам қочиб қутула олмайсан, деган маъно бор эди.

— «Қаерга, қаерга?» деяверарканси-да? Қаерга бўларди? Кафе-ега-а! Бирга тушлик қиламиз, дедим-ку!

У чеккадаги курсига ўтирди. Қора костюмининг тугмасини ечиб, бўйнидаги ҳаворанг галстугини бўшатди.

— Кечирасиз-у, мен илгари ҳам сиз билан кафе-мафеларга бориб юрармидим?

— Бормаган бўлсангиз, энди борасиз!.. Хонангиз ёруғ ва жуда шинам экан. Ҳаво булут бўлсаям, яшнаб турибди. Тувaклардаги гулларнинг зўрлигини қаранг. Ўзингиздек гўзал ва хушбўй!..

— Тушунмадим! Бу қанақа алжираш?

— Алжираш?.. Менга қаранг, нега хақорат қиласиз? — У ўзини гўё тутоқиб кетган одамнинг қиёфасига солмоқчи бўлди, бироқ ўхшатолмади. — Мен сизга нима ёмонлик қилдимки, тилингиздан бунча заҳар томади? Ё арпангизни хом ўрдимми?

«Ростдан ҳам, сал ошириб юбормадимми?» деган ўй хаёлимдан ўтди. Балки, беҳуда қизишаётгандирман? Сал одамшавандароқ муомала қилсам бўлармиди? Аммо, икки кундан бери хонамга кириб, асабимга тегаётган бу сўтакка қўйиб берсам, кал кўнгли нималарни тусамайди. Шу ерда, хонамда ташланиб қолишдан ҳам тоймайди.

— Бор-йўқ айбим, сизни ҳамкасб сифатида бир пиёла чойга таклиф қилаяпман. Чиройлисиз, гўзалсиз деяпман. Сизни гулларга ўхшатаяпман. И все!

— Ўзингизни гўлликка солманг. Ҳамма гап ана шундай беозор таклифлардан бошланади. Чойингиз учун ҳам, гулингиз учун ҳам раҳмат. Мақтовингизга зор эмасман. Худога шукр, эрим, бола-чақам бор. Мени тинч қўйинг! Чиройли гапларингизни уйингизга бориб, хотинингизга айтинг!

— Сиз жуда чиройли бўлсангиз, гўзал бўлсангиз, менинг айбим нима? Анаву Муршидадек қоқсуяк бир тасқара бўлганингиздa, ялинсангиз ҳам бурилиб қарамасдим.

— Марҳаматингиз, лутфингиз учун раҳмат! Лекин сиз билан лақиллашиб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. — Овозимга имкони борича расмийроқ ва совуқроқ тус бердим. — Илтимос, Мансур ака, хонамдан чиқиб кетинг!

— Чиқмасам-чи? Чиқмасам, нима қиласиз? Шаллақилик қилиб, бошингизга одам йиғасизми?

— Ундан ҳам баттар қиламан!

— Буни қаранг, а! Жуда қўрқитиб юбордингиз-ку! — У узун оёқларини чалкаштириб олди. Учи найзадек ингичка қора туфлисининг узунлиги бир қулоч келаркан. — Чиқмайман! Билганингни қил!

— Нима-а? — ғазабим қўзиб, ўрнимдан туриб кетдим. Димоғимга ароқ ҳиди урилди. — Нега сенсирайсиз?

Мансур пинагини ҳам бузмади. Билакс, хирс билан тикилди. «Қулт» этиб ютинди ва мазхараомуз тиржайди:

— Эринг ҳам Токиода сўпилик қилиб юрмагандир. Япон гейшалари билан «баҳорий суҳбатлар» қураётган бўлса, не ажаб!

Қўлим билан яна эшикка ишора қилдим:

— Кўп валдирайвермасдан, чиқинг хонамдан!..

— «Чиқинг-чиқинг!» эмиш. Чиқмай-ма-ан!.. Ўзинг чақириб, ўзинг ҳайдайсанми?

— Нима-а?

— Эшитганинг!.. Боя хонангнинг олдидан ўтаётганимда ўзинг «бирровгина буёққа қаранг, Мансуржон ака, илтимо-ос», деб чақириб олдинг-ку!..

Бу гапларни эшитиб, тилим калимага келмай қолди. Аламдан кўзларим қонга тўлиб, юзларим қизариб-бўзариб, ловуллаб кетганини сездим. Мансур яна, бу гал таҳқиру тазйиқини яширишга ҳам уринмасдан кулди: шунақа, мени қўрқита олмайсан! Дод солиб, раҳбарларга арз қилсанг, ҳамма айбни ўзингга ағдараман. Ўзи ёпишди, дейман. «Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди». Мен эркакман, сен эса ожиза. Шилқимлик эркакнинг фазилати бўлса, аёлнинг кулфати. Доғини бир умр ювиб кетказолмайсан! Бир умр! Бу гаплардан эринг хабар топса, хабар топиши эса тайин, кўнглига шубҳа-гумон оралайди. Шубҳа-гумон ораласа, баҳрингдан кечади. Шундай экан, ими-жимида «хўп» де. Афсус қилмайсан.

— Кеча ҳам ўзинг чақирган эдинг, — деб давом этди у. — Гувоҳим бор. Телефон қилганингда, хонадошим Мутал ёнимда эди. «Мени Салимахон чақиряптилар, борай-чи, қандай дарди бор экан», дедим. Мутал сирли кулди: «қандай дарди бўларди, эри чет элга кетганидан бери ўзини қўярга жой тополмай юрибди».

Ўша пайтда Мансурнинг бу гапларини йўл-йўлакай тўқиб чиқарилган шунчаки тирраки гап, деб ўйлаган эдим. Кейинчалик юз берган воқеани идрокимдан ўтказар эканман, Мутал ростдан ҳам айтган, мана бу овсар Мансурга пишанг бериш учун қитмирлик қилган бўлиши ҳам мумкин-ку, деган тахмин хаёлимга келди. Садқаи ҳамкасб кет, Мутал! Садқаи ҳамшаҳарлик кет, Мутал! («Тошканда таваллуд топган бўлсангиз ҳам, сиз — бухороликсиз, Салимахон! Негаки, падарингиз Бухорои шарифдан...»)

— Ёлғон! — дедим тутоқиб. — Мен сизга ҳеч қачон телефон қилмаганман. Қилмайман ҳам! Ёлғон гапиришдан, туҳмат қилишдан уялмайсизми, Мансур ака? Худодан қўрқмайсизми? Ахир, сизнинг ҳам онангиз, хотинингиз, бола-чақангиз бордир! Қизингиз бордир!..

— Бўлса-чи? — гапимни бўлди Мансур. Сурбетларча берган саволида қаҳратон қишнинг совуғи, қорли чўққиларнинг метинлиги бор эди. — Мен сени жарга итараётганим йўқ-ку! Бир пиёла чойга таклиф қилаяпман, холос!..

— Мен эса номаҳрам эркак билан кафеларда етаклашиб юриб, эл-юртга гап-сўз бўлганимдан кўра, жарга қулаб ўлганим яхши, деяпман! Тушунмадингизми?

— Тушундим, — деди у ва бошини бепарво ирғади. — Бунақа китобий гапларни жуда кўп эшитганмиз.

— Бир нарсага тушунмаяпман. Нега менга бунча ёпишиб олдингиз? Кўча тўла қиз, жувон... Боринг, ўшалардан бирортасининг бошини айлантиринг...

— Ҳар гулнинг ўз таровати бор. Билдингми?.. — У жойидан турди. — Бўлди! Шунча ноз-фироқ қилганинг етар. Мен ушлаган жойини кесадиган одамман. Мақсадимга етмагунимча қўймайман. Хомтама бўлма!

— Ҳали шунақами?

— Шунақа!

— Гапларингизга қараганда, анча-мунча китоб ўқиган кўринасиз?

— Нима, тупой деб ўйлаганмидинг?

— Ўша ўқиган китобларингиздa, мабодо, «чучварани хом санама» деган мақолга кўзингиз тушмаганмиди?

— Йўқ! Аксинча, «ҳусни борнинг — нози бор», «юрмайдиган» аёллар эмас, ношуд эркаклар бўлади» деган гаплар бот-бот учраган! Бўлдими? Аразинг тугадими? Кетдикми? Ё эринг Нодирлангдан шунчалик қўрқасанми?..

Устоз, ёдингизда бўлса керак, университетда адабиётдан сабоқ бериб ўтган раҳматлик дадам, Сизнинг ҳузурингизга бошлаб борганида мен тўққиз ёшли хаста бир гўдак эдим. Зотилжам, деган бало вужудимга зулукдек ёпишиб, кун бермай қўйган кезлар эди. Мактабда, болалар ўртасида, «Салимжон — нимжон» деган ном олгандим. Исмим Салима бўлгани учун эмас, ўта нимжонлигим учун шундай дейишарди. Мактаб папкасини ҳам кўтара олмайдиган аянчли аҳволга тушиб қолган эдим-да. Болаларнинг ҳар қадамда масхаралаши, бетоблигим, узлуксиз дори-дормон истеъмоли, ойлаб шифохонада ётиш, ҳолсизлик ва чорасизликдан дунё кўзимга тор кўриниб кетарди. Йиғлардим. Аянчли аҳволимни кўриб, онам ҳам қўшилиб йиғлардилар. «Салимжон-нимжон» деб калака қилган бир боланинг билагини тишлаб олганим ҳам ёдимда.

Ана шундай кунларнинг бирида кимдир дадам раҳматликка, қизингизни яхши мураббийга шогирдликка беринг, спорт билан шуғуллансин, дебди. Яхши мураббий, бунинг устига аёл мураббий топиш ўша пайтларда осон ишмиди! Дадам бечора жамики таниш-билишларини ишга солиб, бир ой деганда топган эди Сизни. Ўн йил, то Нодирбек акам уйимизга тўй жўнатиб, фотиҳамиз бўлмагунича, Сизнинг таълим-тарбиянгизни олдим. Ҳозир ҳам Сиз чизган чизиқдан чиқмайман: «ожизларнинг, ногиронларнинг устидан кулиш, уларга озор бериш спортчи учун кечириб бўлмас — гуноҳ!» Лекин ожизни, ногиронни ҳақорат қилаётган, камситаётган кимсани кўриб, жим туриш ҳам савоб ишлардан эмас-ку, устоз!..

Мансур эримни атайлаб камситди: «ланг — чўлоқ» деди. Эримнинг оқсоқланишини бу калтафаҳмга Мутал айтган! Онанг кўкингни кийгур, калтабақай Мутал сотган! Нодирбек акам билан Эски жўвада юрганимизда кўрган эди. Муталнинг ўзи ҳам янги йил оқшомида кайфи тароқ бўлиб суйкалганида («суҳбати ду, анда маза-ку!»), гап билан оғзига урган эдим: йўлингиздан қолманг!.. Ҳа, Мутал айтган. Йўқса, шунча гапни кеча ишга келган Мансур қаердан, кимдан билади?.. Яна бир иштибоҳим борки, Мансурнинг менга канадек ёпишиб олиши гаров ўйнаган одамнинг қилиқларини ҳам эслатади. «Шу хонимчанинг бошини айлантира оламан!» «Айлантириб бўпсан!..» «Бешни ташла!..»

Алам қилди! Ўзининг умр йўлдоши, ёстиқдоши ҳақида бундай ҳақоратни эшитган қай бир аёл жим тура оларди? Тўғри, Нодирбек акам чап оёғини авайлаб-роқ босадилар. Лекин, эрим онасидан шундай — ногирон туғилмаганлар ёки бу дардни айримлардек, маст-аласт рулга ўтириб, аварияга учраб, «пулга сотиб олмаганлар». Бўзсувга чўкиб кетаётган машинадаги одамларни қутқараман, деб шу кўйга тушганлар. Оёғининг пайи узилиб, этлари эзилиб кетган. Олти ой касалхонада, уйда оёғини босолмай ётганларини аввалги хатларимда ёзган эдим. Биласиз.

Устоз, Сиз — офицернинг рафиқасисиз. Истеъфога чиққунича, эрингизни қайси вилоятга ишга юборишса, изидан бир умр соядек эргашиб юргансиз ва турмушнинг барча аччиқ-чучукларини бирга баҳам кўргансиз. Бу ҳақда бизга доим фахр билан гапирар эдингиз. Бундай гапларингизни эшитиб, Сизга қанчалар ҳавасимиз келганини билмайсиз. Энди тасаввур қилинг: умр йўлдошингизни оғзига кучи етмаган бир кимса олдингизда ҳақорат қилса, чидаб турармидингиз? Йўқ, яхшилаб адабини берардингиз!..

«Эринг Нодирлангдан шунчалар қўрқасанми?»

Мени ҳеч ким, ҳеч қачон бунчалар қаттиқ ҳақорат қилмаган, камситмаган эди. Ўмганимдан ўтиб кетди. Қулоқларим чиппа битиб, этларим музлаб қолди. Қўлимда пичоқ бўлмаганига жуда афсусландим. Пичоқ бўлганида соғ қўймасдим. Умрим қамоқда ўтса ҳам, шу гапи учун Мансурни тилка пора қилиб ташлардим. Энди ўйласам, Худо бир сақлаган экан... Танглайим қуриб-қақшаб кетганини сездим. Ўтириб қолдим. Олдимда турган чойнакка қўл узатдим, лекин ундан пиёлага бир томчи ҳам тушмади. Эрталабдан бери чой дамлашга улгурмаган эканман... Чойнакка қўл чўзганимни кўриб, Мансур менга ялт этиб қаради. Афтидан, чойнак билан бошига солиб қолишимдан чўчиди. Журналда ишлайдиган бир дугонамга муҳаррири тихирлик қилганида, калласига чойнакни «кийдириб қўйган» экан. Устоз, Сиз, Жаҳл отидан узоқроқ юриб, Сабот отини қўлдан қўйманглар, деб кўп айтар эдингиз. Сабаби — Жаҳл отининг бошида югани бўлмайди, айили бўш, жабдуғи жулдир, ёллари калта, ўзи сармаст, борар жойи паст бўлади. Сабр ва сабот отининг жиловини тутганларнинг — ақл билан иш қиладиганларнинг борар манзили ҳам, юз-кўзи ҳам доим ёруғ бўлади. Ўша аламли ва аянчли, ғуссага ботиб, хўрлигим келиб турган лаҳзаларда Сизнинг ушбу ўгитингизни эсладим. Эсладиму Сабот отининг жиловидан тутдим — ўзимни босдим. Қизиққон шогирдингизнинг ўзини босиши қанчалар қийин бўлганини ёзиб ўтирмайман. Аммо мен — қўли баланд келиб, ғалабани чўнтагидаги пулдай нақд қилиб қўйган рақибларини ҳам энг сўнгги дақиқаларда доғда қолдириб ўрганган шогирдингиз эмасманми!..

Мансур билан пачакилашиб ўтириш фойдасиз эканини тушундим. Кулдим:

— Бўлди! — дедим ва ўрнимдан турдим. — Бемаъни ҳазиллaрингизни қўйинг. «Ё остидан, ё устидан» деган экан бир таваккалчи. Кетдик!

— Ана бу бошқа гап!.. — Мансур менга ишонқирамай қаради ва чалкаштириб ўтирган оёқларини туширди. Мен унинг кўзига тик қарадим. Ҳар бири косадек келадиган каттакон кўзларида ҳам ҳадик, ҳам ҳайрат, ҳам шубҳа зуҳур эди. Яна эсимда қолгани — унинг кўзлари пешонасига ёпиштириб қўйилгандек, сийрак қошли манглайидан бўртиб чиқиб турарди.

— Хў-ўш, қани, қайси кафега борамиз? — дедим уни чалғитиш, ўй ўйлаши учун фурсату имкон қолдирмаслик учун.

— «Бек» деган кафега. Алоҳида хоналари кўп.

— Иннанкейин-чи? — дедим ўзимни ўйноқи аёл қиёфасига солиб.

— Иннанкейин, қоронғу ҳам тушиб қолади... — Унинг кўзлари сирли йилтиради. — Чилонзорда икки хонали квартирам бор. Ҳилватгина жой...

— Ўзлариникими ё?..

— Ўзимники десам ҳам бўлаверади. Лекин аслида тоғам ўғиллари учун олиб қўйганлар.

— Ў-ў! Тоғангиз ҳам ўзингиздек, бойваччамилар, дейман.

— Прокурорлар...

«Ҳа-а, димоғининг баландлигию ҳеч нарсадан таптортмаслигининг сабаби бу ёкда экан-да!» — деган фикр хаёлимдан ўтди. Яна ўйладим, балки алдаётгандир? Ўзича пўписа қилаётгандир: ортимда қандай одамлар турганини билиб қўй! Аслида, прокурорнинг жияни бўладими, сомсапазнинг — нима фарқи бор?

— Буни қаранг, соат бирдан ошибди-ку, — дедим гўё ўртада аччиқ-чучук гаплар бўлмагандек.- Бўпти. Сиз ташқарида кутиб туринг. Мен ҳозир...

— О' кэй!

Мансур бир лаҳза ўйланиб турди-да, эшик томон юрди. Чиқиш олдидан ортига бурилиб, менга синовчан қаради. Гапим жиддий эканига кўнгли тўлди, шекилли, ортидан эшикни ёпди.

Бир пастдан кейин қизил гулли адрас шарфимни бўйнимга ташлаб, йўлакка чиқдим. Сокинлик. Мансур зинапояга яқин жойда бетоқат кутиб турарди. Мени кўриб, қўли билан «пастга тушаверайми?» деб ишора қилди. Чамаси, ишхонадан бирга чиқиб кетишимизни истамаётир.

«Йўқ!»

Мансур томонга юрдим. Бутун вужудим ваража босгандек титрарди. Қизиқ, не бир мусобақаю чемпионатларда қатнашиб, енгиб, енгилиб, қўл-оёқларим лат еб, бунчалар қаттиқ изтиробу алам, ҳадик ва ҳаяжон туймаган эдим. Бунинг сабабини кейин англадим: мусобақаларда рақибларим доим аёл киши бўлган, қолаверса, улар ўз номи билан «мусобақа» эди! Қаршимда эса имонини еган бир эркак турарди!

Тўққиз-ўн метрлик масофа узоқ, беҳад узоқ туюлди.

— Эшигингни қулфламадинг-ку?

— А? — Бошимни илкис кўтардим ва Мансурга юзландим. Лабларимда қайноқ ва шўр таъм туйдим. Кўз ёшларим сел бўлиб оқмоқда эди. — Мансур!

— Ҳа?.. Э-е, сенга нима бўлди?..

— Мана бу эримни камситганинг учун!

Унинг икки сони ўртасига тепдим. Йўқ, қаттиқ тепмадим. Майиб бўлиб қолишидан чўчидим. Мансур «ҳиқ!» этдию, қўлларини даъфатан қовуғи устига қўйиб, олдинга, тиззамгача эгилди. Ихради.

— Буниси мени ҳақорат қилганинг учун!.. — Ўнг кафтимнинг қирраси билан унинг бўйнига урдим. Уриш асосида, девдай гавдага нўхатдай калла, қилдай бўйин берган экан, деган ўй хаёлимдан ўтди. Мансур юзи билан ерга қулади.

Икки ҳатлаб хонамга кирдим. Қулоқларим остида Сизнинг сўзларингиз жаранглагандай бўлди, устоз: «Бу усул каратэда «Geri gedan» дейилади. Уни моҳирлик билан қўллаган спортчига мусобақаларда энг юқори балл берилади!..»

2013 йил — Обод турмуш йили

ОИЛА ҲАЁТИДА МЕЗОНГА АЙЛАНГАН КИТОБХОНЛИК

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш ва китобхонлик қадимий анъаналардан бўлиб, ҳамиша халқимиз маънавий камолотида муҳим ўрин тутиб келган. Китобхонлик — маънавий комиллик асосларидан ҳисобланиб, у халқимизнинг ўзи қадар қадимий тарихга эга. Буни аждодларимиз томонидан уч ярим минг йил илгари яратилган "Авесто" қисмати яққол тасдиқлайди. Оташпараст аждодларимиз уни тўла-тўкис ёд билмоқни, унга амал қилиб яшамоқни эътиқодий бурч деб билганлар.

Ав бу Райҳон Беруний шаҳодатича, араблар истилоси пайтида "Авесто" ёқиб юборилганидан сўнг орадан икки аср ўтганига қарамай, уни ёдлаганлар хотирасидан қайта ёзиб олинган. Бизгача етиб келган ва фанда кичик "Авесто" номи билан маълум нусха шу тарзда тикланган. Ёхуд туркий халқларнинг илк ёзма обидаларидан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари Наманган нусхасининг Муҳаммадҳожи эшон Лодареш авайлаб сақлагани ва унинг 1924 йилда Абдурауф Фитрат томонидан илмий истеъмолга олиб кирилгани нечоғлик қутлуғ воқеа бўлгани илм аҳлига аён. Шуларнинг ўзиёқ халқимизнинг нақадар китобсевар эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Халқимизда китобхонлик фазилати оила муҳитида, дастлаб халқ бахшиларини, халқ қиссахонларини оилавий давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда куйлаган достонлари, айтган қиссалари, бобою бувижонларнинг ўз болажонларига айтган эртакларини мароқ билан тинглаш тарзида шаклланган. Демак, тинглаш — ўқилганларни идрок этиш, тушуниб, ўзлаштириб олишнинг асосий шартига айлана борган. Ўз навбатида, тинглаш бутун диққатни бир нуқтага жамлашни тақозо этган, оқибатда инсон фаолиятида уни маънавий камолот сари етакловчи мураккаб бир жараёндан иборат ўқиш ва уқиш уйғунлиги юзага келган. Шундан бўлса керакки, ҳазрат Алишер Навоий Фарҳодга хос фазилат сифатида

Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори,

— дея беҳудага таъкидламаган. Ҳақиқатдан китобхонликнинг бош шарти — ўқиганни уқмоқ, англаб, тушуниб, ўзлаштириб олмоқдир.

Таъкидлаш жоизки, минг йиллар давомида халқимиз маънавий камолотига беқиёс таъсир кўрсатган улуғ аждодларимизнинг муборак номи ёхуд алоҳида донг қозонган асари унвони билан изоҳланувчи китобхонлик анъаналари ҳам муҳим роль ўйнаб келмоқда. Айниқса, неча асрлардан буён Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг мислсиз "Хамса"ларини ўқиш асосида хамсахонлик, шунингдек, Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар", бетакрор бадиий тафаккур эгалари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг назокатли лирикаси, ғайбул-лисон Бедил, оташин лирик Фузулий асарларини оила давраларида сурурли мушоҳада ва муҳокамалар билан мутолаа қилиш замирида яссавийхонлик, хайёмхонлик, жомийхонлик, фузулийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик, сингари китобхонлик анъаналари шаклланди.

Оилавий китобхонликка хос бундай анъаналар XX асрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек ва бошқа сўз санъаткорлари асарларини ўқиш асосида ҳам, қисман бўлса-да, давом этиб, қодирийхонлик, чўлпонхонлик, фитратхонлик ва ойбекхонлик тусида намоён бўлди.Ўтган асрнинг 20-30 йилларида қатағонга учраган ижодкорлар асарларини хуфия ўқиш ва ҳатто ёдлаб олиш рағбати бу жараённинг янада шаклланишига таъсир кўрсатди. Бу жиҳатдан ўша йилларда "Ўткан кунлар" романини бошидан охиригача ёдлаган китобхонлар бўлганлиги эътирофга лойиқ.

Ота-боболаримиз китобни шу қадар улуғ муҳаббат билан ўқиган, асраб-авайлаган, унга чинакам ихлос қўйиб, китобдаги сўзни муқаддас билиб эътиқодини, иймонини мустаҳкамлаган, китобнинг мўъжизавий қудратига тан бериб, ишониб яшаган эканлар, бугунги кунда бу анъаналар қандай давом этмоқда.

Фахр билан айта оламизки, мустақиллик йилларига келиб бу анъаналар кучайса-кучайдики, асло сусайгани йўқ. Зотан илмга, китобга ихлос бизга ота-боболаримиздан меросдир. Шу маънода истиқлол бизга миллий маънавият олами эшикларини ланг очиб берди. Қадриятларимизни, машҳур алломаларимизни танидик. Аждодларимизнинг дунё кезган қадимий қўлёзмаларидан баҳраманд бўлдик.Турли мавзу ва соҳаларга оид қанчадан-қанча нодир китоблар нашр қилинди, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу ўринда бир мулоҳаза шуки, нашр қилинаётган янги китоблар улардан маънавий озиқланмоқчи бўлганларга, ўқитувчиларга, қишлоқ зиёлиларига тўлиқ етиб бормаётгани одамни ташвишга солади. Не машаққат билан чоп этилган китоблар йиллаб нашриёт омборларида қолиб кетмоқда. Нега десангиз, ҳукуматимизнинг 2002 йил 3 августдаги "Республикамизда китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ўз вазифасини тўлақонли бажара олмаяпти. Инчунчун, жойларга муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик янги китоблар, бадиий адабиётларни вақтида етказиб беролмаяпти.

Очиғи, ҳозирги шиддатли ахборотлар замонида оилавий китобхонликда ҳам суръатда, ҳам мазмунда, ҳам шаклда талай ўзгаришлар содир бўлмоқда.Айримлар "Ҳозир китоб ўқиш урфдан чиқди. Ёшлар компьютерга ўрганиб қолди", дейишади. Албатта, бу гапда ҳам жон бор. Аммо чинакам илм истаганлар орасида китобга ихлос йўқолиб кетишига ишонмайман. Ўзимдан, танишларим, касбдошларимдан қиёс. Китобни қадрлайдиган, уни жон-дилидан севадиган инсонлар нафақат пойтахтда, балки бошқа жойларда ҳам кўп.

Эндиликда телевидение ва кино китобнинг ашаддий рақибига айланиб қолганини инкор этиб бўлмайди. Сирасини айтганда, телевидение ҳам, кино ҳам, театр ҳам оммавий китобхонликнинг тезкор ва кўримли шакллари бўлиб, омманинг маънавий камолотига жиддий таъсир кўрсатаётир. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида китоб нархининг бир қадар қимматлашуви оилавий китобхонликда маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда. Телевидение, кино, компьютер ўйинлари ва театр оилавий китобхонлик шаклида оила муҳитига чуқурроқ сингиб бораётган эса-да, бироқ барибир улар китобнинг ўзини ўқишдек афзаллик касб эта олмаётганидан ҳам кўз юммаслик керак.

Мирислом БАДАЛОВ,
тадқиқотчи

Маънавиятимиз дарғалари

ХАРРОТ — "УСТА" ДЕГАНИ

Қадим Хоразмда ҳар бир қалъа, маҳаллада яшаган ҳар бир оиланинг ўз мавқеи, касб-кори бўлган. Одамлар бу хонадонларда вояга етганларнинг иқтидори, ижодига қараб исм-шарифидан ташқари алоҳида тахаллуслар беришган. Ушбу тахаллуслар ўз ўрнида шон-шавкат, обрў-эътибор тимсоли сифатида эъзозланган ва ҳатто уларнинг шарифи (фамилияси) даражасига олиб чиқилган: мироб, дарғабек, мирзабоши, тарроҳ, карвонбоши ва ҳоказо.

Касб-корнинг юксак қадрланган боис, ўз даврида ном чиқарган сулолалардан бири харротлардир. Улар асосан Хиванинг Дишан қалъа, Тош дарвоза қисмидан узоқ бўлмаган Шайхлар қишлоғида истиқомат қилишган.

Харрот "дурадгор", "ёғоч йўнувчи уста" деган маънони ифодалайди. Сулола вакиллари орасида дурадгорликдан ташқари мақомнинг ҳадисини олганлар, хаттотлар, шоирлар, бастакор ва созандалар ҳам етишиб чиққан. Улар ҳақида турли тарихий манбаларни ўқиб, қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Яқинда бобомнинг дўсти, мазкур сулола вакилларидан Чокар — Муҳаммад Юсуф Харротнинг таржимаи ҳол шаклида битилган ёзуви қўлимизга келиб етди. Ўшанда Чокарнинг невараси Фурқат Харротов ва шоирнинг жияни Харрот қизи Ойгул Абдуллаева хонадонимизда меҳмон бўлиб, ўзлари билан оқ-қора тасвирдаги фотосуратлар, Муҳаммад Юсуф Харрот ҳуснихати билан ёзилган қўлёзмани олиб келишганди. Қўлёзма "Қисқача таржимаи ҳол" тарзида тартиб топган экан.

Чокар ўз отаси Муҳаммад Ёқуб ҳақида шундай ёзади: "Отам бир майда ҳунарманд Қурбонниёз харротнинг ўғли бўлиб, уларнинг икки қат (хона демоқчи — А.О.) уйидан бошқа ери ҳам, боғи ҳам бўлмаган. Ёшлигида отаси ёнида дурадгорлик қилади. Кейин отаси унинг муни мусиқийга чўнг даражада ҳаваси борлигини билиб, Полвон Мирзо тахаллусли Комилга (Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий назарда тутилади — А.О.) шогирдликка топширади. Отам бир неча йиллар Полвон Мирзонинг хизматида бўлиб, хат-саводини чиқарганидан сўнг мусиқий таълим олишга киришади. Хоразмнинг олти ярим мақомини чертим, айтим қисмларини усуллари билан ўрганиб, танбур ва ғижжакда мукаммал ижро этишга муваффақ бўлади. Шунингдек, Полвон Мирзо томонидан басталанган ноталарни кўчиришни бошлайди ва уни чалиш қоидаларини ўрганади. Ўзининг хушхатлиги ва мусиқий санъати орқали ўз оиласини таъмин этади..."

Шарқшунос олима Мавжуда Ҳамидова "Қўлёзма баёзлар — адабий манба" китобида (Тошкент, Фан нашриёти, 1981 йил) Муҳаммад Ёқуб Харротнинг ўз даврида кўчирган ўнлаб девонлари, ҳаттотлик санъатини пухта ўзлаштирган ижодкор экани ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг форс-тожик, ўзбек тилларида ёзилган баёзларини атрофлича таҳлил этади. Шунингдек, мусиқашунос олимлар Қ.Олимбекова ва М.Аҳмедов "Ўзбекистон халқ созандалари" китобида ушбуларни қайд этишган: "Матёқуб Харрот 17 ёшга тўлгач, мусиқани севувчилар ва юқори мансабли меҳмонлар келиб турадиган Паҳлавон Мирзабоши (Комил Хоразмий) уйида устози билан бирга мақом куйларини ижро эта бошлайди. Кейинчалик Паҳлавон Мирзабоши Харротовни Хива хонига мусиқачи ва котиб сифатида тавсия этади..."

Муҳаммад Ёқуб Харрот Кўҳна арк кутубхонасини кўплаб ноёб қўлёзмалар билан бойитган маърифатпарвар киши бўлган. Мақом илми, халқ мусиқаси дурдоналарининг бизгача етиб келишида бемисл хизмат кўрсатган. 1934 йили фольклоршунос Елена Романовская ва мусиқашунос Илёс Акбаров Хоразмга бориб, "Наво", "Дугоҳ", "Ироқ", "Бузрук", "Рост", "Сегоҳ", "Панжгоҳ" каби мақомларни унинг ижросида танбур нота чизиқлари бўйича ёзиб олган.

Муҳаммад Ёқуб ҳуснихат, аруз тилсимотларини, шеър ёзиш, мусиқий оҳангларни сидқидилдан ўрганган, орттирган илмини атрофидагилар билан баҳам кўрадиган бағрикенг инсон бўлган. Шу муҳитда тарбият топган Чокар (Муҳаммад Юсуф Харротов) ҳам танбурда олти ярим мақом нотасини айтди, чертим қисмларини чалишнинг қоида усулларини ўрганди. Унинг ўзи бу ҳақда қўлёзмада шундай баён этади: "Ғижжакни Қаландар Дўнмасдан, дуторни мулла Машариф Қамбардан, гармун(гормон)ни Қурбон созчидан ўргандим".

Чокар 31 ёшга етганида (1920 йил) мамлакат ҳаётида иқтисодий ва сиёсий бўҳронлар бошланган, бу пайтга келиб халқнинг онг-идрокида ҳам руҳий портлашлар содир бўлаётган эди. Энди у ҳаёт тажрибаларини, мактаб ва мадрасаларда устозларидан олган билимларини халқ маорифини ривожлантиришга, ёш авлодга мусиқий таълим беришга сарф этди. Матюсуф Харрот 1923 йилда Хивада эллик нафар толиби илмга мўлжалланган мусиқий даргоҳ ташкил этиб, унда муаллимлик қилди. Талабаларга мусиқанинг энг нозик жиҳатларини, сир-асрорларини ўргатди. Ана шу кезларда Самарқандда ўзбек мумтоз мусиқа ва хореографиясини илмий ўрганиш институти ташкил этилиб, Матюсуф Харрот меҳнат фаолиятини шу ерда давом эттириш учун таклиф этилди.

Матюсуф Харрот мамлакат ҳаётида кечаётган ички талотўплар, маданий ҳаётга нисбатан амалга оширилаётган зуғумлар, «босимлар»га қарамай халқ маорифи тизимида масъул лавозимларда саккиз йил фаолият юритди. Ундан машҳур чангчи Фозил исмли ўғил ва гармончи қиз Муслима ёдгор қолди.

Йиллар ўтиб, юрт узра ҳурлик шамоли эса бошлади. Асли дурадгорлар авлоди саналмиш Матёқуб ва Матюсуф Харротларнинг ижод гулшанига эккан ниҳоллари бугун барқ уриб, илҳомбахш наволар оғушида униб-ўсаётир.

Анбара ОТАМУРОДОВА,
фахрий журналист

Хотира — азиз

Чинакам бадиий асар китоб шайдоларини бир-бирига боғлаб туради. Муаллиф ва ўқувчининг ғойибона танишувига, фикр алмашишига, ҳатто юзма-юз кўришмасдан туриб гўё узоқ йиллик қадрдонлардай бир-бирининг дардини ҳис этиш, кўнглидагини топиш учун кўприк — восита бўлиб хизмат қилади. Бунда ижодкор томонидан қўлланилган сўз, ифода санъати, асарларининг тили, бир сўз билан айтганда, унинг юксак бадиий маҳорати муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Очиғини айтиш керак, бундай салоҳият, иқтидор ҳар қандай ижодкорда ҳам бўлавермайди. Шундан бўлса керак, ҳамма шеър ё ҳикоя ёзганлар элга танилавермайди. Чинакам истеъдодлиларгина бундай бахтга мушарраф бўлади. Ўзининг бадиий пишиқ, дилбар шеърлари билан мухлислар эътиборини қозона олган дилкаш шоирларимиздан бири Равшан Файз эди.

"МЕН ЁШЛИКНИ ТАРК ЭТИБ КЕТДИМ"

Ч 1959 йилнинг 1 январида Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Қўралос қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Талабалик йилларидаёқ тенгқурлари қатори "Шуъла" адабий тўгарагининг фаол иштирокчисига айланди. Шеърият синоатларидан баҳра олди. Кейинчалик "Ёшлик" журналида иш бошлаган шоир шеърларининг самимийлиги, ортиқча эҳтирос ва зўракиликдан холи бўлгани учун тезда адабиёт дарғалари ва мухлислар эътиборига тушди. Аммо...

Русларнинг машҳур шоири Борис Пастернак ўз шогирдларига: "Ҳеч қачон ўлим ҳақида ёзманглар, чунки уни эслашингиз билан қошингизда пайдо бўлади", деб тайинлаган экан. Равшан Файз "Ташриф" шеърий тўпламида ўлим ҳақида шундай ёзган эди:

Меники бўлади бир куни шу ер,
Қайтмас руҳим кутиб жим-жит ётаман,
Шунда дийдалари юмшайдир ернинг
Ва мен оғушига ботиб кетаман.

Минг афсус, шоир ёзганидай бўлди.

Шеъриятни қисмат деб билиш, шеър ёзишни севиш Равшан Файзга баракали ижод қилиши учун омил бўлгани рост. Ҳа, у оз, аммо мазмунли яшади. Бир неча китобларини нашр этишга улгурди. Шоирнинг 1989 йилда чоп этилган "Ухлаётган одам", 1990 йилда нашрдан чиққан "Ташриф" ва 1992 йилда дунё юзини кўрган "Мен шамолни тутволдим" китоблари фикримиз тасдиғидир. Унинг вафотидан кейин ҳам эълон қилинмай қолган ижод намуналари жамланиб, ("Кел, эй кўнглим", 1997 йил) китоб ҳолида муштарийларга етказилди.

Равшан Файзнинг юқорида санаб ўтилган китобларини мутолаа қилсангиз, унинг бадиий ўхшатишлар, ташбеҳлар ва ифодалаш санъати ўқувчини ҳаяжонлантиради. Бир мухлис сифатида китобларини варақлаб, шоирнинг она Ватанига, элига, табиатга бўлган муҳаббатини, юртининг гўзаллиги, қишлоқларнинг тароватини қалбида узоқ вақт яшириб юролмаганига, содда, беғубор, танти ва чапани халқи ҳақида бетакрор мисралар яратишга шошганига гувоҳ бўласиз. Чиндан ҳам у кўнглидаги ҳис-туйғуларини дўстлари, ўқувчилари билан баҳам кўриш учун тезда қоғоз қоралаган. "Кейинги пайтларда у шошиб яшади, — деб хотирлайди уни билганлар. — Ёзган шеърларини ҳам бизга ўқиб беришга шошилди. Кўча-кўйдами ё телефондами ўқиб бераверарди. Сўнгги бор учрашганимизда у қувониб "Мен ҳар куни шеър ёзаяпман. Ишонасизларми, баъзи кунларда иккита-учтадан ҳам битаяпман. Энди ўзимни бутунлай шеърга, ижодга бағишлайман", деганди".

Ҳа, Равшан Файз қисқа вақт ичида кўп ва хўб шеър ёзишни эплади. Эътиборлиси, унинг тез ишлаши ижодининг сифатига салбий таъсир кўрсатмаган. Аксинча, шоирнинг сўнгги шеърларида бадиий ифоданинг юқорилиги, халқ оғзаки ижодини яхши ўрганганини сезиш мумкин. Айниқса, ўзбек халқ достонларини пухта билгани яққол кўринади.

Яна бир муҳим жиҳат: Равшан Файз ёзганларини қайта-қайта ишлашдан, уларга мурожаат этишдан эринмаган. Айнан мана шу хислат унинг битганлари бир-биридан "ширали" бўлишига хизмат қилгандир, балки. Жумладан, "Қишлоқдан қайтиш" шеъридаги:

Кўксимга орзулар солган, ота юрт,
Олис-олисларда қолган, ота юрт.
Келиб қоларми деб ҳар саҳар, ҳар шом,
Кўзлари йўлимда қолган, ота юрт.

мисралари бошқа бир ғаҳъорда тўлдирилиб, мукаммалаштирган. Яъни:

Кўнглима орзулар солган қишлоғим,
Олис-олисларда қолган, қишлоғим,
Келиб қоларми деб, ҳар саҳар, ҳар шом,
Кўзлари йўлимда толган, қишлоғим.

Шоирнинг ўзига хослиги шу эдики, у жамиятда, табиатда юз бераётган бирор ўзгаришни эътиборидан четда қолдирмасди. Улардан имкони борича асарларида фойдаланишга ҳаракат қилган. Бу айнан ижодкорларни бир-биридан ажратиб турувчи "мен"идир. Бир ўринда у тол дарахти ҳақида шундай мисра тузади: "Ойдинда толлар сочин тарашгайдир" ёки табиатда камдан-кам учрайдиган ой тутилишидан таъсирланиб: "Ой тутилди. Куйган ойни кўргин, эй ёр", деб ёзади.

Аҳамиятлиси, бу каби сатрларни Равшан Файз ижодида кўплаб учратиш мумкин. Айнан ушбу жиҳат унинг шеърлари умрбоқий эканини англатади. Шоирнинг энг асосий ютуқларидан бири — асарларининг тилидир. Содда, халқона сайқаллаштирилган мисраларни каттаю кичик бир хил тушунади. Бу хусусият унга болаларга мўлжалланган шеърларни ҳам ёзишига кенг йўл очган. Ваҳоланки, бола учун ижод қилиш ўта масъулиятли ва машаққатлидир. Шунга қарамай, Равшан Файзнинг бу ишга қўл уриши унинг соҳа билимдонлигидан далолат.

Азим БАҲОДИР

Кўклам каби ранг-баранг

“Кеп қолинг, оп қолинг! Олганлар дармонда, олмаганлар армонда!” Бундай чорловлар Шарқ бозорларигагина хос. Чунки бозорлар нафақат савдо-сотиқ, тижорат маскани, балки уста-ҳунармандлар, қўли гул санъаткорлар меҳнатларининг маҳсулларини кенг намойиш этадиган ўзига хос тижорат-кўргазма павильони вазифасини ҳам ўтаган. Шу боис, миллийлик, қадриятлар, маданий бойликларни асрлар оша асраб-авайлаб, авлодларга улашишда бозорларнинг аҳамияти катта бўлган. Усташогирд анъаналари, ҳунармандлар, сулолаларга мансуб касблар айнан бозор туфайли равнақ топган, қадрият даражасига кўтарилган.



Истиқлол даврида мамлакатимиз бозорлари янада обод бўлди, деҳқонлар, ҳунармандларнинг савдо-сотиғи учун барча қулайликлар яратилди. Бунда, шубҳасиз, халқ турмуш фаровонлиги касб-ҳунар аҳлининг манфаатлари тўла инобатга олинди. Зеро, анъана ва маданий меросларнинг авлодларга етказилишида, дунёга кенг тарқалишида ва тилларда достон бўлишида бозорлар асосий воситачи ҳисобланади.

Жорий йилнинг 23-26 март кунлари ҳам яшариш фасли — кўклам чиройига ҳамоҳанг тарзда ташкил этилган “Bazar-Art” кўргазмасида анъанавий ўзбек бозорига хос қадриятлар намойиш этилди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “IJOD” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма амалий санъатнинг кўплаб турларида ижодий меҳнат билан машғул моҳир усталарни пойтахтимизга чорлади. 2007 йилдан буён йилда икки марта, яъни баҳор ва куз фаслларида мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу кўргазма қамровининг кенглиги ва ижтимоий аҳамияти билан муҳим. Унда ўз касбининг усталаридан тортиб, ҳунармандчиликни энди касб этган ёш уста ва устазодалар ҳам иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш қилишди.

— Кўргазмада биринчи марта қатнашаяпман, — дейди лойиҳа қатнашчиларидан бири Шодиёна Турдиалиева. — Бу ерда мен ўз ишларимни тақдим қилиш имконига эга бўлдим. Мазкур тадбир мен учун улкан мактаб вазифасини ҳам ўтади. Чунки бошқа каштадўзларнинг ижод намуналарини кузатиб, кўп нарсани ўргандим. Кўнглимда янгидан-янги режалар, ғоялар туғилди. Бундай кўргазмалар мен каби ёшларнинг меҳнатини халққа таништиришда, изланишларимизга рағбат бағишлашда айни муддао бўлмоқда.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 150 нафардан зиёд иштирокчининг энг сара ижод намуналари билан танишиш ва уларни харид қилиш мумкин. Ахир бозор ўз номи билан бозор-да! Бундан ташқари, “Bazar-Art” лойиҳаси маҳорат, фикр алмашиш ва тажриба орттиришда ҳам қулай имкониятлар яратди. Кўргазма давомида уста-ҳунармандлар меҳмонлар, қизиқувчи иштирокчилар учун кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, миниатюра яратиш сир-асрорлари ҳақида сабоқлар беришди, тажрибали мутахассислар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

“Bazar-Art” лойиҳаси халқимизнинг бетакрор миллий ҳунармандчилигини асраш, унинг янгиланиб, бойиб, ўзгариб бораётган жиҳатлари билан таништириш, ёш истеъдодларни, ҳунармандлар сулолаларини қўллаб-қувватлашни ҳам мақсад қилган. Тадбир доирасида “Анъанавий тўқимачилик устаси”, “Анъанавий кандакорлик устаси”, “Нақш ва миниатюра устаси”, “Ёғоч ўймакорлиги устаси”, “Зардўзлик санъати устаси”, “Кулолчилик устаси”, “Анъанавий каштачилик устаси” ва “Анъаналарни замонавий қиёфаларда сақлагани учун” сингари номинациялар бўйича грантлар ажратилган.

Санъат арбоблари ва уста-ҳунармандлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар орасидан мазкур номинацияларга энг муносиб номзодларни саралаб олади. Грантлар амалий санъатнинг янада ривож топишида, йўқолиб бораётган шакллари, турларини тиклаш ва янгилаб боришда ҳунармандларга яқиндан кўмак беради. Маълумот ўрнида келтириб ўтиш ўринлики, 2007 йилдан буён турли номинациялар бўйича ғолибларга умумий ҳисобда 22 миллион сўм миқдорида 5 та грант топширилган. Жумладан, 2010 йилда ўтказилган кўргазмада Марғилондаги “Ёдгорлик” фабрикаси ва Мирзахоновлар сулоласи (Фарғона вилояти), заргар-гемму молог Лола Содиқова (Тошкент шаҳри) ва кулол Римма Газалиева кулолчилик мемориал мактабини очиш учун ана шундай грантларга сазовор бўлишганди.

“Bazar-Art” кўргазмасини томоша қиларканмиз, қўли гул ҳунармандлар яратган гўзал ва нафис ижод намуналарини кўриб кўзимиз қувнади. Улар ранг-барангликда, кўркамликда гўё кўклам билан рақобатлашаётгандек туюлди. Дилни яратувчи сурурли баҳорий кайфият кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир буюмда жилоланиб турибди. Уларни шунчаки кўздан кечириш томошабинга ҳеч нима бермайди, албатта. Кўргазмада намойиш этилган буюмларнинг қадрини англаш учун инсон қалбида миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат лиммо-лим бўлмоғи лозим. Қувонарлиси, намойишга қўйилган бундай бетакрор буюмларни харид қилишни истайдиганлар кўпчиликни ташкил этаётир.

Моҳира ОТАБОЕВА,
“Hurriyat” мухбири

«Олтин қалам» танловига

Шукуҳли тонглар қўшиғи

Тонг отмоқда... Оппоқ тонг. Сутга чайилгандек оппоқ. Нурга чайилгандек оппоқ. Сокин ва беғубор ҳаммаёқ. Баҳорнинг ширин нафаси келиб турибди ундан.

Тонг отмоқда. Оппоқ тонг. Янги кундан янги бонг. Гўзаллик фаслининг ранглари бор тонг бу. Гўзаллик фаслининг оҳанглари бор тонг бу. Баҳорнинг сурури бор тонг. Баҳор ғурури бор тонг. Дилингни яйратар ҳавоси. Дилингни яйратар навоси.

Осмонга қарайсан кўзларинг қувониб. Осмон лим-лим оппоқ булут. Осмонга қарайсан кўзларинг ёниб. Осмон лим-лим оппоқ қут. Шивирлаб дейсан: сирасира қораймасин осмонимнинг оппоқ булутлари. Шивирлаб дейсан: ёғиб турсин оппоқ булутларнинг оппоқ сутлари. Сўнг ҳайқириб юборганингни билмай қоласан бирдан. Дунё огоҳ бўлар бўғзингдан отилиб чиққан бу сирдан.

— Одамлар, ҳой, одамлар! Ғаниматдур бу дамлар. Мангу бўлсин денг, юртимизнинг оппоқ тонглари. Мангу бўлсин денг, оппоқ тонгнинг оппоқ бонглари. Мангу бўлсин денг, юртимизнинг беғубор ширин ҳавоси. Мангу бўлсин денг, юртимизнинг беғубор навоси. Оппоқ тонг юртнинг оппоқ аҳди. Оппоқ тонг элнинг оппоқ бахти. Аҳди бутун бўлсин денг, юртимнинг. Бахти бутун бўлсин денг, элимнинг! Овозингга овозлар қўшилар шу зум. Созингга созлар қўшилар шу зум. Худди шу палла, садо янграр баралла: «Табиат бизнинг онамиз, онамизни асрайлик, одамлар!» «Та-би-ат биз-нинг о-на-миз, о-на-миз-ни асрайлик, о-дам-л-а-р!»

Дарахтларнинг шохларидаги қип-қизариб турган ғужғуж куртакларнинг турфа ранг гулларга айланаётганлигини кўриб ҳайратга тушасан. Бу бетакрор гўзалликни, бу ғаройиб мўъжизани кўриб ғайрат-ла жўшасан. Кўзларингни яйратган куртакларнинг ўзи бир достон. Сўзларингни сайратган гулларининг ўзи бир бўстон. Шундай сеҳру синоатни яратган Она-ернинг ўзи бир мўъжиза.

Одамлар, ҳой, азиз одамлар! Ўтиб бормоқдадур энг азиз дамлар. Огоҳ бўлинг оламдан! Асранг, муқаддас Она-еримизни! Она еримиз боқар элимизни. Ўзингизни асрагандек асранг бизни ўз бағрида сийлаб турган Она-еримизни! Токи хору-зор кўрмайлик бирон бир экинимизни. Гард юқтирмайлик юзига, дард юқтирмайлик ўзига. Соғлом бўлса еримиз, соғлом бўлурмиз ўзимиз. Келажак олдида ёруғ бўлур юзимиз. Шундагина бутун бўлур ризқу-рўзимиз. Бас, дарахт экиб, боғ яратайлик! Боғимизга оламни қаратайлик! Кесгудек бўлсак, дарахтлардан бирини. Темур бобомиздек ўтказайлик ўнини. Бундан фақат бутли бўлғай оиламиз. Бундан фақат қутли бўлғай оиламиз. Бутли бўлса оиламиз, бутли бўлур юртимиз. Қутли бўлса оиламиз, қутли бўлур юртимиз...

Тонг отмоқда. Қутлуғ тонг. Қушларнинг қўшиқларига йўғрилган тонг. Сайроқи қушлар тонги бу. Дил торларингни чертаётганга ўхшайди улар. Қўшилиб куйлагинг келади ўзингнинг ҳам. Қаранг, бири қўйиб бири сайради. Сайраганда жуда-жуда яйради. Ўз сози бор ҳар бирининг. Ўз овози бор ҳар бирининг. Тараф-тараф бўлиб куйлашларига борман уларнинг. Тараф-тараф бўлиб куйлашларига зорман уларнинг. Томирларимда оқаётгандек бўлади оҳанглари. Томирларимда оқаётгандек бўлади оҳангларининг ранглари. Сўзлар бўлиб қуйилади дилимга бу оҳанглар. Шеър бўлиб келади тилимга бу ранглар. Қўшиқ қилиб куйлайман бу оҳангларни. Қўшиқ қилиб куйлайман бу рангларни. — Одамлар! Эй, умри азиз одамлар! Қайтиб келмас бу азиз дамлар. Унутманг, оппоқ қушлар — оппоқ тушлар. Бас, қушларни асранг! Тушларни асранг! Тонгнинг ҳаёти улар. Тонгнинг баёти улар. Тақлидни билмаслар улар. Тақлидни қилмаслар улар. Булбул бўлолмас қарға. Булбулнинг ўзи дарға. Одамнинг қувончи улар. Оламнинг қувончи улар. Одамнинг қувончин асранг, одамлар! Оламнинг қувончин асранг, одамлар!..

Тонг отаётир. Муборак тонг. Бу тонгни қутлаётир онг. Истиқлол баҳорининг йигирма иккинчи тонги бу. Истиқбол баҳорининг йигирма иккинчи бонги бу. Яратиш ишқи билан яшашга даъват этаётган тонг. Яшнатиш ишқи билан яшашга даъват этаётган тонг. Меҳр балқиб турибди кўзларида унинг. Сеҳр балқиб турибди кўзларида унинг. Қаранг, шуури ўзгача унинг. Сурури ўзгача унинг. Юртимизнинг саодатли тонги бу. Юртимизнинг садоқатли тонги бу.

— Одамлар, эй, азиз одамлар!

Шарафланг янги куннинг янги тонгини. Тинчликни қадрлашга чорлаётир аҳли оламни бу тонг. Дўстликни қадрлашга чорлаётир аҳли оламни бу тонг. Элим деб, юртим деб, ёниб яшашга ундаётган тонг бу. Элим деб, юртим деб, қувониб яшашга ундаётган тонг бу. Озод Ватанни обод қилишга илҳомлантираётган тонг бу. Озод Ватанни шод этишга илҳомлантираётган тонг бу. Бағрингизни очинг бу тонгга. Меҳрингизни сочинг бу тонгга. Тонгдек тиниқ бўлсин денг ҳар бир кунимиз. Тонгдек тиниқ бўлсин денг ҳар бир тунимиз.

Тонг отмоқда. Оппоқ тонг. Қутлуғ айём — Наврўз тонги бу. Қут-барака, ризқу-рўз тонги бу. Уни олқишланг! Қўнгилни хушланг! Элга ёзиб дастурхон. Элдан топинг шуҳрат-шон. Ҳайратларга тўлиб олам. Дуога қўл очганда Онам тилаб юртга тинчлик, омонлик. Йўқ бўлсин десинлар ёмонлик. Омин денг, аҳдли бўлинг деганларида. Омин денг, бахтли бўлинг деганларида. Сумалак сузиб шу дам. Сафингизда турай мен ҳам. Карнай-сурнай янграб баралла. Еру кўкни тутсин куй, қўшиқ ялла!..

Тонг отмоқда. Оппоқ тонг. Мунис ва мунаввар тонг. Ўзбекистон тонги бу. Ўзбекистон Тонги — Одамлар, эй, азиз одамлар! Шундай яшангки, шу мунаввар тонг мисол ҳавас қилгулик бўлсин ҳаётингиз! Шундай яшангки, ҳеч қачон, ҳеч қайда қайрилмасин қанотингиз.

Нуриддин ОЧИЛОВ

Муборак кунлар

«Юртинг обод — дилинг шод»

Шу кунларда гўзал диёримизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳаллаю овулларида Наврўз сайли давом этмоқда. Баҳорий қувончларга тўлган бу онларнинг файзиёблиги юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровон турмушидан даракдир. Куни кеча Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 4-сонли санатория мактаб-интернатида бошланғич касаба уюшмаси ва педагогик жамоа билан ҳамкорликда ташкил этилган «Юртинг обод — дилинг шод» деб номланган Наврўзи оламга бағишланган маънавий-маърифий байрам кечаси бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тантана аввалида сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туб моҳияти халқимизнинг фаровон турмуш тарзини шакллантиришига қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Мустақиллик йилларида қабул қилинган барча қонунларимиз шу юрт фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Уларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз манфаати ва фарзандларимиз келажаги учун хизмат қилмоқда, — деди тадбир иштирокчиларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова.

Ушбу тадбирда миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз истиқлол туфайли қайта тиклангани, айниқса, Наврўзнинг юртимизда кенг нишонланиши юртдошларимиз ҳамда ёшларнинг миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда ижобий рол ўйнаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Наврўз тантаналари болажонларимиз учун завқли, бу дамни улар интиқлик билан кутишади. — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходими Яшнар Худойберганов. — Байрамнинг бугунгидай ташкил этилиши, унинг моҳиятини турли-туман куй-қўшиқлар, саҳна чиқишлари орқали очиб бериш мурғак қалбларда анъаналаримизга, урф-одатларимизга, миллий спорт турларига бўлган эътиборини мустаҳкамлайди. Хусусан, ёшларда миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишида бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

— Муассасамизда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилган. — дейди биз билан суҳбатда мактаб-интернат бошланғич касаба уюшмаси раиси Дилбар Рашидова. — Мактаб синфхоналари кенг ва ёруғ, замонавий ўқув ҳамда компьютер жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда таълим олаётганлар тиббиёт ходимларининг доимий назоратида. Санатория мактабимиз асосан шаҳримиздаги умуртқа поғонасида нуқсони бор болаларга мўлжалланган. Бундай ўқувчилар мутахассисларимизнинг доимий назоратида. Тиббиёт ходимларимиз тавсия этган муолажалар ҳар куни амалга оширилади. Бундан ташқари, ўқувчиларимиз бепул уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланган.

Қизиқарли савол-жавоблар тарзида ўтган тадбирда туман халқ таълими муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, бошланғич касаба уюшмалари раислари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуман сўнгида мактаб жамоаси томонидан саҳналаштирилган Ўқитувчилар гуруҳи, Тарбиячилар гуруҳи ва Тиббиёт бўлими ходимлари ўртасида бешта шартдан иборат беллашув бўлиб ўтди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
“Hurriyat” мухбири
Муаллиф олган суратлар

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САЙДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: **Тел:**233-36-02.
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Нукус — (+99891)-384-41-61,
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O‘zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи:
Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 45

Адади: 7072 Буюртма — J-6738 1 2 3 4 5